

... "Шахрихон" дон қабул қилиш шохобчаси мудири У.Ҳаммамов давлат харида баҳоси 292 млн. сўмлик 1 217 тонна, "Қувдонмахсулотлари" АЖ омбор мудири Н.Тожибоев 122 млн. сўмлик 510 тонна бугдойни ўзлаштириб юборган.



Ишнинг кўзини билган Э.Аҳмедова савдо тушумидан муайян қисмини банкка топширмай олиб қолиб, ўз эҳтиёжига сарфлаётгани туфайли вужудга келган кемтикни бераётган ҳисоботларида савдо ҳажмини озайтириб кўрсатиш йўли билан "текислаб" бораверди.



Mustaqillik huquq demakdir

Нусиш



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 28-iyul, №30 (759)

Қонунлар муҳокамаси



2011 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳаммадова олиб борди.

Даставвал, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг айрим қўмиталарига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар. Сўнгра кун тартибдаги "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси қўриб чиқилди. Атрофлича муҳомадан сўнг ушбу қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

Шундан сўнг "Жиноят ишлари юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, шунингдек, "Жиноят ишлари юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси қўриб чиқилди. Маълумки, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуро-

Қаҳрамон СУЛАЙМОНОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори
Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

ри томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда 2011 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган эди. Жорий йилнинг 15 апрелида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди. Ўтган вақт давомида мазкур қонун лойиҳаси ҳар томонлама маромига етказилди.

Ташкиллаш жоизки, "Жиноят ишлари юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси 8 боб, 59 моддадан иборат бўлиб, жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахсларни ва ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шароитларини, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини белгилаб берган. Моддама-модда қилинган муҳокамалардан сўнг депутатлар ушбу қонун лойиҳаларини учинчи ўқишда қабул қилдилар.

Бундан ташқари, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Микромолиялаш соҳасининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари ҳам қўриб чиқилди.

Юртимиз спортини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда уни қўллаб-қувватлашга оид зарурий ҳуқуқий база яратилган. Аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар аҳолини спорт билан муносабат шугулланишига жалб қилиш имконини бермоқда. Зеро, спорт — соғлом авлод, соғлом келажак демакдир. Қолаверса, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришда алоҳида тартибда Дастурлар қабул қилиш ва уни ижро этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Мустақил йилларида мамлакатимизда Президент, Олий Мажлис, Вазиirlар Маҳкамаси ва жисмоний тарбия ҳамда спортга мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан қўпгина ташкилий-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди ва амалиётда татбиқ қилинмоқда. Зеро, айти пайтда пировард мақсадимизга айланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятида ҳар қандай масала фақат ва фақат ҳуқуқий база асосида амалга оширилиши лозим.

Юртимиз спортчиларининг халқаро майдондаги нуфузи йилдан-йилга ошмоқда, зеро улар улкан муваффақиятларга, оламшумул тарихий ғалабаларга эришмоқда. Бунга, аввало, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш таъминлашга қаратилган қонун, қарор, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва лойиҳалар, яъни ҳуқуқий база сабаб бўлмоқда, бу ҳуқуқий база батафсил тўхталиб ўтиш, юртимиз аҳолисининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжларини қондиришдаги роли ҳамда аҳамияти ҳақида муфассал маълумот бериш мақсадга мувофиқдир. Соҳани ривожлантиришга қаратилган

Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурининг
ўринбосари — Республика
Харбий прокурори

ташкилий-ҳуқуқий асосларни қуйидаги йўналишларда таҳлил қилиш юртимизда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиборни янада аниқроқ кўрсатади.

Биринчи йўналиш. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш, мувофиқлаштириш ва бу борадаги давлат сиёсатини амалга оширишга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан биринчидан, 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун 2000 йил 26 майда янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва бугунги кунда амалда қўлланилмоқда.

/Давоми 3-бетда/

Истиқлолимизнинг 20 йиллиги шодиёнаси арафасида шунини билан айтишимиз мумкинки, бугун халқимиз эришган ва эришаётган ютуқлар замирида келажак буюк давлат қуриш, келажак авлодларга озода ва обод Ватан қолдиришдек улғувор гою турибди. Ана шу улғувор гою мустақиллиқни мустаҳкамлаш йўлида халқимизни жипслаштириш, тараққиёт сари бошлади. Ўтган йиллар ичида мамлакатимиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлабгина қолмай, жўшқин тараққиёт йўлига чиқиб олди.

Тараққиёт ва қонун устуворлиги

Бахтиёр ЖАМОЛОВ,
Навоий вилоят прокурори

Маълумки, барча соҳаларда қонунчиликка аниқ риоя этилган, бир сўз билан айтганда, қонун устувор бўлгандагина тараққиёт ва юксалиш юз беради. Бу жараёнда, шубҳасиз, прокуратура органлари муҳим ўрин тутати.

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва криминал вазиятнинг барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур йўналишдаги фаолият мамлакатда ислохотларни чуқурлаштиришга, аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилишга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, маънавиятни юксалтиришга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокурор кўрсатма ва топшириқлари, асосида олиб борилди.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаси прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг 1-ярмида вилоят прокуратураси томонидан мазкур йўналишда 171 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2757 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, 808 нафар шахс моддий, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди, 238 та тақдирнома, 231 та протестлар киритилиб, 796 нафар шахс расман оғохлантирилди, корхона, ташкилот ва ҳўжаликларга етказилган 66 млн. 340 минг сўмлик зарар ихтиёрли равишда ўндирилиб, 1 млрд. 224 млн. 784 минг сўмлик зарарни ўндириш мақсадида ҳўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларга 649 та даъво аризалари киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 35 та жиноят иши кўзғатилди.

Қўрилган чоралар вилоятимизда ижтимоий адолатни таъминлаш, иқтисодий-ижтимоий тармоқларида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Аҳолининг кам таъминланган, ўзгалар қўмағига муҳтож ва ногирон қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш доимий назорат остига олинган бўлиб, ижтимоий соҳадаги қонунлар ижросини таъминлаш ва прокурорлик назоратининг самардорлигини янада ошириш борасида амалга оширилган тадбирлар натижада жорий йилнинг 1-ярми якунига қўра вилоятда иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловлари бўйича қарздорликка йўл қўйилмади.

Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш, саноат корхоналари билан кооперация асосида касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги ўй меҳнатини рағбатлантириш, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга доир қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган қатъий чоралар қўриб борилди.

2011 йил давомида вилоятда банд бўлмаган 20220 нафар шахснинг ишга жойлаштириш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 1-ярмида 11433 нафар шахс ишга жойлаштирилди, 1195 нафар шахс ҳақ тўланадиган жомоат ишларига жалб қилиниб, 593 нафари касб бўйича ўқишга юборилди. Прокуратура ташаббуси билан 28 марта ўтказилган меҳнат ярмаркасида 3542 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари алоҳида назоратга олинган. Жумладан, жорий йилда коллеж битирувчиларига тижорат банклари томонидан 294 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиши мўлжалланган бўлиб, ўтган 6 ойда 66 нафар битирувчиларга 125,6 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, вилоят прокуратураси ташаббуси асосида 2011 йил 2 апрель куни "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, вилоят бандликка қўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда Карманта туманидаги "Ёшлик" истироҳат боғида 580 та бўш иш ўринлари бўлган 102 та корхона ва ташкилотлар иштрокидаги меҳнат ярмаркаси ташкиллаштирилиб, 292 нафар коллеж битирувчисига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

/Давоми 4-бетда/

Тадбирлар самара бермоқда

Ховос туман прокуратураси томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги 3-сонли баёни, 12-банди ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда 2011 йил давомида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида камда 5 тадан ҳўжалик юритувчи субъект ва 10 тадан 20 тагача янги иш ўринлари яратиш ҳақида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижроси алоҳида назоратга олинган ҳамда бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бинобарин, туман прокуратурасининг ташаббуси билан туман ҳокимлиги, назорат-текширув органлари, ҳўқўқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа масъул идоралар раҳбарлари билан жойларда учрашувлар ташкил этилиб, уларда ушбу фаолият билан шуғулланиш истагидоғлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар ҳақида ахборотлар берилиб, ҳар бир қишлоқда камда 5 тадан маданий ва маъиший тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш лозимлиги тўғрисида тавсиялар берилмоқда.

Дастур бўйича жорий йилда Ховос туманида 221 та ҳўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиш ва уларда 632 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Хозирги кунда Ховос туманида 39 та ҳўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилиб, уларда 219 та янги иш ўринлари яратилган.

Бундан ташқари, банклар томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш ва уни кенгайтириш учун кредитлар ажратилиши, тадбиркорларнинг инвестиция дастурларига кирган лойиҳалар бўйича ўтказилмаган тендер ва танловларда иштирок этишлари юзасидан доимий мониторинглар ўтказиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман тадбиркорларига туман ва вилоят банклари томонидан жами 1 млрд. 270 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратиб берилиши таъминланди. Шунингдек, туман ҳудудида

тадбиркорлик субъектларини ҳўқўқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан ҳам мунтазам равишда текшириш ва таҳлиллар ўтказиб боришмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳўқўқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан туман ҳўқўқимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида ўтказилган текширишда қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, яққа тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларни рўйхатга олиш китобларига асосан 2010 йилда 253 та ҳамда 2011 йилнинг май ойига қадар 127 та тадбиркорлар рўйхатдан ўтказилган бўлса-да, раҳбарий назоратнинг йўқлиги ҳамда инспекция ходимларининг масъулиятсизлиги натижасида рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатлари, муҳр ва штамп ясашга рухсатнома ва эскиз нусхаларида тадбиркорлик субъектларининг имзолари мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризалари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини дав-

лат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳўжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган муддатлардан кечиктириб ҳал қилингани етмаганидек, тадбиркорларнинг рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги мурожаатлари рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан ўз вақтида рўйхатга олиш китобида қайд этиб борилмаган.

Шулардан ҳам кўриниб турибдики, тадбиркорларнинг аризалари ўз вақтида рўйхатдан ўтказилмай, расмийчилик учун, гўёки тадбиркорлар ариза билан мурожаат қилган қўни уларга тадбиркорлик рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гўвоҳнома берилди деб сохтакорликка йўл қўйилган. Ваҳоланки, тадбиркорларни 1 кун ичида рўйхатдан ўтказишнинг имкони йўқ.

Бундан ташқари, ходимларни ишга қабул қилишда ҳам қатор қонунбузарликларга йўл қўйилган. Жумладан, О.Хайруллаевни туман ҳўқўқимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси раҳбари лавозимига ҳеч қандай танлов ўтказилмай ҳамда ишга қабул қилиш ҳўжатлари тўлиқ олинмасдан туман ҳўқўқимининг фармоиши чиқарилган.

Ҳўқўқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётганимиз. Шундай экан, ким бўлишимиздан қатъи назар, қонунбузарликлар ҳўқўқбузарликларга йўл қўймай, ҳалол меҳнатимиз билан аниқ мақсад сари интилсақгина мўлжалланган маррага етамиз.

Собир ТЕМИРОВ,

Самарқанд вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси

Туманнинг "Жўй Сой" қишлоғидаги саккизта омборхона бино ва иншоотларини тегишли тартибда махсус ваколатли баҳоловчи ташкилотларга баҳолатмасдан 123 млн. 764 минг сўмлик умумий мулкларни атиги 44 млн. 010 минг сўмга сотиб, бу ҳаракатлари оқибатида таъсисчиларнинг ҳўқўқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

Давлат ва халқ манфаатларидан ўз манфаатини устун қўйган бу уддаборларнинг хатти-ҳаракатлари қўни келиб очилиб қолди. Иш судга ошди.

Суд ишни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, директор Хайрулло Узоқовга бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳўқўқидан маҳрум қилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 320 баравари миқдорига жарима жазоси тайинлади.

Ж.Ҳамроқулов ва А.Қосимовлар ҳам тегишли жазосини олишди.

Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ўзининг салбий оқибатлари билан глобал муаммо сифатида бутун дунё давлатларини ташвишга солмоқда. Шу каби жиноятларга қарши курашда барча давлатларнинг мазкур соҳага оид миллий тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориш ва халқаро миқёсда ахборот алмашиш жараёнини ташкиллаштириш энг долзарб масалалардан бири.

Долзарб масалалардан бири

Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш механизмларини такомиллаштиришнинг янги босқичи

Саидаббиров ГҲЛЯМОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

Давлатимиз томонидан жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимни такомиллаштириш борасида доимий равишда фаол ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг энг самарали механизмлари татбиқ этилмоқда.

Бу борада жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида фаолият юритаётган халқаро ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаимизда молиявий разведка бўлиналарининг (МРБ) "Эгмонт" гуруҳига аъзо бўлиши борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

"Эгмонт" гуруҳи 1995 йил июнь ойида Брюссель шаҳрида "Эгмонт-Аренберг" саройида жиноий даромадларни легаллаштириш ва ушбу глобал муаммонини бартараф этиш йўллариини муҳокама қилиш мақсадида йиғилган қатор давлат идоралари ва халқаро ташкилотлар вакиллариининг қарори билан ташкил этилган. Хозирги вақтда Гуруҳга дунёнинг 127 давлати аъзо бўлиб кирган. Бутунжаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг наркотик моддалари ва жиноятчиликка қарши курашиш Бошқармаси ҳамда бошқа давлат ва халқаро ташкилотларга кузатувчи мақоми берилган.

Ўзбекистоннинг "Эгмонт" гуруҳига аъзо сифатида киришининг яқуний босқичи ҳақида тўхталиб ўтамиз. Жорий йилнинг 11-15 июль кўнлари Бош прокуратура вакилларииндан иборат делегация Арманистоннинг Ереван шаҳрида бўлиб ўтган "Эгмонт" гуруҳининг 19-Ялпи мажлисида иштирок этди. Ялпи мажлисда 100 дан ортиқ давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 400 га яқин вакиллари қатнашди.

МРБ раҳбарлари йиғилишида дастлаб Ўзбекистонга "Эгмонт" гуруҳига аъзолик мақомининг берилиши ҳақидаги масала қўрилди. Ушбу масалани қўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси делегацияси миллий молиявий-кредит тизимининг "Эгмонт" гуруҳи тамойиллари ва жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги бошқа халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлигини тасдиқловчи асосли исботларни тақдим этди.

Ўзбекистоннинг мазкур масала бўйича позицияси йиғилиш иштирокчилари ҳамда "Эгмонт" гуруҳининг тегишли ишчи органлари томонидан қўллаб-қувватланди. Шу муносабат билан "Эгмонт" гуруҳининг МРБ раҳбарлари йиғилишида Ўзбекистонга мазкур ташкилотнинг тенг ҳўқўқли аъзоси мақомининг берилиши бир овоздан маъқулланди. Зеро, бу Ўзбекистон Ҳукуматининг мазкур соҳага қаратаётган алоҳида эътибори ва миллий молиявий тизимнинг иншончилиги юқори даражага кўтарилганлигининг эътирофидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Эгмонт" гуруҳига аъзоликка қабул қилингани эълон қилингандан сўнг мазкур ташкилотнинг Низомига мувофиқ Ўзбекистоннинг "Эгмонт" гуруҳи тамойилларига тарафдорлиги тўғрисидаги мурожаатини имзолаш масоимси бўлиб ўтди. Ўзбекистон номидан мазкур мурожаат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Зияев томонидан имзоланди.

2011 йил 14-15 июль кўнлари "Эгмонт" гуруҳининг 19-ялпи мажлиси ўтказилди. Ялпи мажлисда "Эгмонт" гуруҳи Бошқарувчиси Б.Верхельст халқаро молиявий тизим ахлитлигига қарши таҳдидларни таъкидлаб, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик қўламини кенгайтириш билан боғлиқ қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, "Эгмонт" гуруҳи жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида глобал тармоқ эканлиги, шунингдек, хозирги вақтда Гуруҳ ўзига 127 та давлат ва юрисдикцияларни бирлаштириши таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, Гуруҳ таркибига кирмаган 83 та давлат ва юрисдикциялар қолмоқда. Шулардан 45 та давлат ва юрисдикциялар Гуруҳга аъзо бўлиш хоҳишини билдирган ва ҳозирда мазкур йўналиш бўйича таёйргарлик ишларини олиб боришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг "Эгмонт" гуруҳига аъзо бўлиб кириши Республиканинг миллий молиявий-кредит тизими жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар талабларига мос эканлигидан дарак беради.

Самарқанд туманидаги "Кониғул Агротехсервис" масъулияти чекланган агрофирма директори Хайрулло Узоқов дастлаб ишига ижобий ёнашиб, ўзини кўрсатди. Қўл остидаги ишчиларга қайишгандек бўлди. Аммо кейинроқ барчаси ўзгарди. Уни мансаб ҳаволатиб юборди. "Менинг айтганим айтган, деганим деган", дейилган бўлди. Энг ёмони, бойликка, пулга ҳирс қўйди.

Бемаврид бузилган иморатлар

Агрофирма балансида бўлган бир қанча бино ва иншоотларни кўз остига олган Х.Узоқов дастлаб "Чўмқўқли" қишлоғидаги баҳоси 2 млн. 750 минг сўмлик пиллахона биноси ва иншоотларини бузиб, қурилиш материалларини агрофирма балансидаги крим қилмасдан ўзлаштириб юборди.

"Иштаха овқат вақти келади", деганларидек, шундан сўнг директорнинг ҳам нафиси ҳакалак отди. Бирин-кетин пиллахоналарни бозор баҳосида белгилаб, ўз жияғидонига ура бошлади. Мисол учун, "Кўштамғали" қишлоғидаги 1 млн. 575 минг сўмлик, "Пулимугўб" қишлоғидаги 39 млн. 927 минг сўмлик ҳамда 17 млн. 340 минг сўмлик пиллахона биноси ва иншоотларини агрофирма таъсисчиларининг розилигини олмасдан, ҳеч бир ҳўжжатсиз, қонунга зид равишда талон-торож қилиб юборди.

Х.Узоқовни Пулимугўб маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўрақул Ҳамроқулов ва фуқаро Акбар Қосимовлар маҳалла ҳудудида бўлган ушбу мулкларни ўмаршида жиноий шерик сифатида қўллаб юборишди.

Биров қураар экан, биров бузар экан-да. Қолаверса, маҳалла оқсоқоли шу ҳудудда яшаётган одамларнинг ишончига, йўлбошчиси эмасми?

Ана энди давлат мулкни ўмарши, талон-торож қилиш авжига чиқди. Учовлон бирлашиб омборхона, пиллахоналар, бино ва иншоотларга "ҳўжум"га ўтишди.

Юртимиз спортни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари



[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Иккинчидан, мустақилликнинг илк кунлариданоқ, аниқроғи, 1992 йил 23 январда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди ва унда собиқ Иттифок Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қороналари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ихтиёрига ўтказилиши белгиланган.

Учинчидан, маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғусини сингдириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, шунингдек, маданият ва спорт соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш мақсадида 2004 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, уларнинг негизига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилинди. Мазкур Фармонни бажариш юзасидан ҳамда маданият ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини ошириш мақсадида 2004 йил 30 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таркибига кирувчи ташкилотлар ва муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари, туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлиmlарининг намунавий тузилмаси белгиланди.

Иккинчи йўналиш. Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларига тайёргарлигини ташкил этиш ва уни қўллаб-қувватлаш оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 1992 йилги олимпиада ўйинларига ва бошқа халқаро мусобақаларга тайёрлаш тўғрисида"ги (19.06.1992 йил) қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда олимпиада ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII олимпиада ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони (07.06.2000 йил), Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да ўтказиладиган 2004 йилги XXVIII ёғи Олимпиада ўйинларига муносаб иштирокини таъминлаш тўғрисида"ги қарори (07.06.2004 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтadиган XXX ёғи Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларига иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги (05.01.2009 йил) қарори қабул қилинди.

Учинчи йўналиш. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, унга жалб қилиш ҳамда тарғиб қилиш оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 6 июндаги "Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган ўзлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарориди умумтаълим мактаб-

ри, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва жамоат ташкилотлари томонидан таъминланиши белгиланган бўлиди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "От спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (17.08.2001 йил), "Боалар спортини тарғиб қилиш ва боалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (18.07.2003 йил) ҳамда "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (04.11.2003 йил) қарорлари қабул қилинди.

Тўртинчи йўналиш. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳамда у билан шуғулланувчиларни рағбатлантиришга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг "Спорт мактаблари ва ўқув юртилари ҳодимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни мувофиқлаштириш тўғрисида"ги (19.02.1996 йил), "Йилнинг энг яхши спортчиси" Ўзбекистон миллий кубогини таъсис этиш тўғрисида"ги (20.12.1996 йил), "2004 йилги XXVIII ёғи Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик мукофотларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида"ги (07.07.2004 йил) қарори қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришгани учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларини мукофотлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги (25.11.2008 йил) Фармони эълон қилинди. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган спортчиларни рағбатлантириш билан боғлиқ бир қатор Низоamlар, жумладан, "2004 йилги XXVIII ёғи Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик мукофотларни тўлаш тартиби тўғрисида Низом" (07.07.2004 йил), "Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижалар учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом" (05.01.2007 йил) ҳамда "Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисида Низом" (19.01.2009 йил) қабул қилинди.

Бешинчи йўналиш. Юртимизда боалар спортини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон боалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги (24.10.2002 йил) Фармони ва мазкур Фармонни бажариш юзасидан ҳамда Жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон боалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги (31.10.2002 йил) қарори қабул қилинди. Шу билан бирга, боалар спортини янада тарғиб қилиш, боалар учун ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари турларини кўпайтириш ҳамда минтақалар, мактабгача боалар муассасалари, мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртилари ва "Маҳалла" ҳудудий жамғармаларининг спорт товарларига эҳтиёжини ўрганиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Боалар спортини тарғиб қилиш ва боалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (18.07.2003 йил), Ўзбекистон Боалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини самарадорлигини ошириш, унинг минтақавий филиалларига юкланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистон боалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари тузилишини таъминлаш тўғрисида"ги (01.08.2003 йил) қарорлари қабул қилинди. Иккинчидан, боалар спортини сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтариш ҳамда боалар жисмоний тарбияси ва спортини 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожлантириш масалаларидаги ишларни аниқ мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда ягона давлат сиёсатини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон боалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (29.08.2004 йил) Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармонни бажариш юзасидан ҳамда жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодини тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, боаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги боалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги (29.08.2004 йил) қарори қабул қилинди ва бутунги кунда мазкур жамғарма "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Боалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида Низом" (29.08.2004 йил) асосида юртимизда боалар спортини ривожлантиришга оид чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Учинчидан, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодини камол топтиришга йўналтирилган оммавий боалар спортини кенг ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошира болиш, шунингдек, боалар спорт комплексларини 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қуриш, реконструкция қилиш ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007 йилда боалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва боалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги (12.12.2007 йил) қарорлари эълон қилинди. Иккинчидан, боалар спортга жалб этиш, ишончли захирани шакллантириш ҳамда боалар-ўсмирлар футболини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш футболчиларнинг маҳорати ошишини ва спорт соҳасидagi ютуқларни кўпайтириш рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Футбол бўйича боалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (31.01.2007 йил) қарори қабул қилинди. Шунингдек, жисмоний тарбия ёки спорт турлари билан доимий шуғулланувчи 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган боалар сонини белгиланишнинг аниқ мезонларига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни белгилаш мақсадида "Доимий равишда спорт билан шуғулланувчи боалар сонини белгиланишнинг аниқ мезонлари тўғрисида Низом" (16.01.2008 йил) қабул қилинди. Бундан ташқари, ўсиб келаётган ёш авлодини жисмоний тарбия ва спортнинг сув турлари билан шуғулланишга янада оммавий жалб этиш, сузиш ҳавзалари тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида боалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (02.06.2008 йил) қарори эълон қилинди.

Олтинчи йўналиш. Албатта, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда спорт анжомларини тайёрлаш ҳамда спортга тегишли муассаса ва хоналарни спорт анжомлари билан жиҳозлаш муҳим аҳамиятга эга. Айни мазкур масалага оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини меъёрий, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги (21.10.2004 йил), "2008-2012 йилларда даврида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш асосида сифатли спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастури тўғрисида"ги (20.02.2008 йил) қарорлари қабул қилинди. Ёнг муҳими, мамлакатимизда ишлаб чиқарувчилар томонидан халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарнинг ихтисослаштирилган синов лабораториясини ташкил этиш ва жиҳозлаш тўғрисида"ги (28.07.2008 йил) қарори қабул қилинди.

Еттинчи йўналиш. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳамкорликка оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатларо муносабатлар йўлга қўйилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида яратилган бундай мустаҳкам ҳуқуқий база юртимиз, жумладан, армиямиз спортчиларининг халқаро майдонда улкан муваффақиятларга эришишига, мамлакат байроғининг дунёнинг турли бурчакларида баланд кўтарилишига замин бўлмоқда. Хусусан, катта лейтенант Ришод Собиров, лейтенант Аббос Атоев, лейтенант Элшод Расулов, кичик сержантлар Належда Дусанова ва Юлия Тарасова каби қўллаб-қувватлашнинг жамғарма ареналарида юқори поғоналарга кўтарилаётган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритганига йигирма йил тўлишига санокли кунлар қолди. Юртимизда шу давр майдонига асрларга татигули ютуқларга эришилди. Бугун дунёнинг қарига борманг, жаҳон харитасида Ўзбекистон деган ёш, аммо салоҳиятли давлат борлигини, унинг халқи бунёдкорликда тенгити йўқлигини билишди, эътироф этишди. Ёнг муҳими, бу юрта ёшлар тарбияси, уларнинг маънави ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига алоҳида аҳамият қаратилаётган, ушбу эзу мақсадларни амалга ошириш шахсан Давлатимиз раҳбарининг эътиборида эканлиги барчага аён.

Албатта, бундай ҳамғармика жаъобан, бугун иқтидорли ёшларимиз жаҳон миқёсидаги фан олимпиадалари, турли қўриқ-тасдиқ ҳамда нуфузли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам натижаларини исботламолар.

Бунга жорий йилнинг июнь-июль ойлари Мексикада бўлиб ўтган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Кейинги пайтда терма жамоаларимизнинг Жаҳон чемпионатларидаги иштирокига қўниқиб бораётимиз. Бу борада Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари икки марта шундай нуфузли мундиалда иштирок этган эди. Бироқ натижалар у қадар кўнглидагидек бўлмаган эди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси эса кичик мундиалда илк маротаба иштирок этганлига қарамай Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қила олди. Ўсмирларимиз АКШ, Чехия ва Австралия каби дунё футболбидида катта обрў-эътиборга эга давлат жамоаларини енгитиб, чорак финалда қадар етиб бордилар. Бу ўзбек футбол тарихида янги давр бошланганидан далолат беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақиллик шарофати билан юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, уни қўллаб-қувватлашга оид зарурий ҳуқуқий база яратилди. Бу эса мамлакатимизнинг спорт орқали дунёда обрў-эътибори янада ортишига хизмат қилмоқда.

Тараққиёт ва қонун устуворлиги

[Давоми. Бошланғич 1-бетда]

Бундан ташқари, 2011 йил 21 апрель кунин вилоят прокуратураси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Навоийазот" ОАЖда Навоий индустриал-иқтисодиёт ва техника-иқтисодиёт коллежлари ўқувчилари иштирокида семинар ўтказилиб, унда коллеж ўқувчилари корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари иқтисодий тараққиётимизда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Шу боис, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг 1-ярмида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг қафолатларини тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган 14 та назорат тадбирлари давомида 132 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Ўтказилган назорат тадбирлари давомида 57 нафар тадбиркорга 540 млн. сўмлик кредит маблағлари, 20 нафарига ҳисоб рақамидан 35 млн. сўм нақд пул олишда, 4 тасига 46,7 млн. сўмлик қарздорлигини ундиришда, 25 нафар фуқарога давлат рўйхатидан ўтиб, тадбиркорлик билан шугулланиш учун гувоҳнома олишда, 2 нафарига бинони ижарага олишда, 6 нафарига рухсатнома берувчи ҳужжатларни олишда, 4 нафарига муҳандислик коммуникацияларига уланшда, 24 нафарига савдо терминали олишда, 1 нафарига 0,5 гектар ер олишда, 7 нафарига хомашё ва ёқилғи олишда ҳамда 47 нафарига бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилиб, 197 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди.

Бош прокуратура ҳайъатининг 2011 йил 5 февралдаги кенгайтирилган мажлисида Бош прокурор томонидан берилган топшириқдан келиб чиққан ҳолда вилоят прокуратураси органлари ташаббуси билан вилоятимиздаги кишлоқларда ташкил этилган 120 та тадбиркорлик субъектлари ҳисобига 425 та иш ўрни яратилди. Жумладан, туманлардаги маҳвуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда кишлоқларда қосибчилик ҳисобига 5 та, ҳунармандчиликда 13 та, сартарошчиликда 19 та, қандолатчиликда 26 та, тикувчиликда 85 та ва бошқа фаолият турлари ҳисобига 277 та иш ўринлари ташкил этилди.

Бош прокурорнинг 2011 йил 9 февралдаги 87-сонли буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимликлар, бошқарув ва назорат-тегишув органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қарорлари, фармойиш ва бошқа норматив ҳужжатларининг қонунийлиги, назорат-тегишув органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаси бўлиб қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий жараималарнинг асослилиги мунтазам ўрганиб борилиб, қонун талабларига эид равишда чиқарилган ҳужжатларга нисбатан қонуний муносабат билдирилди. Жумладан, Нурота туман ҳокимининг 2010 йил 11 декабрдаги 81-сонли фармойиши билан тумандаги "Шодия" ишлаб чиқариш фирмаси, "Саида Нур Пардозчи", "Амир Маалик", "Хит Трейднинг", "Довидов Шерзод", "Арба" ва "Нурота Марбей" хусусий корхоналарига, Қармана туман ҳокимининг 2010 йил 11 декабрдаги 355-сонли фармойиши билан "Люкс ойл сервис", "Бахт ойл" ва "Зарафшон ойл" хусусий корхоналарига уларнинг имконият-



лари ўрганилмасдан ва розилиги олинмасдан қора металл чиқиндиларини топшириш режаси белгиланганлиги аниқланиб, прокурор протести билан қонунга мувофиқлаштирилди.

Аҳолининг иқтисодий муҳофазаси, иш билан таъминлаш, қасаначиликни ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан доимий назорат ўрнатилиб, мазкур йўналишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, Нурота туманидаги "Сентоб" МФИ мансабдор шахслари ҳақиқатда ишлайдиган фуқароларнинг ишлаганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар асосида ўртача охиш даромади белгиланган меъёрдан ошадиган 7 нафар фуқарога 4,8 млн., Навбахордаги "Қизилравот" МФИ мансабдор шахслари 16 нафар фуқарога 4,5 млн. сўмлик нафақани қонунсиз тайинлаб ва тўлаб беришганлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Шу каби, Қизилтепа туман ИИБ собиқ ходими Х.Сайтов сохта ҳужжатлар асосида 1 йил давомида "Ўзбекистон" МФИдан нафақа пули олиб келганлиги аниқланиб, унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бундан ташқари, "Халқ банки" Қизилтепа туман бўлими томонидан "Арабон" ҚФЙда яшовчи кам таъминланган фуқароларга тарқатилиши лозим бўлган 48 млн. сўмлик нафақа пулларининг бошқа мақсадларга сарфлаб юборилганлиги аниқланиб, банк мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан иш қўзғатилиб, улар суд ҳукмига асосан қонуний жавобгарликка тортилди.

Вилоят прокуратура органла-

ри томонидан жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Бу борада олиб борилган назорат тадбирлари давомида 1551 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 18 та жиноят иши қўзғатилди ҳамда 73 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги "Кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3406-сонли Фармони талаблари ҳамда жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан вилоят прокуратураси органлари асосий эътиборини ерлардан мақсадли фойдаланиб, унумдорликни сақлаб ва экология нормаларига риоя қилиб келаётган фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратди.

Жорий йилнинг ўтган даврида бундай фермер ҳўжалиқларида 4,5 гектар қонқуний олиб қўйилган ер майдонлари қайтарилишда, турли хил бюрократик тўсиқлар сабабли ололма қелаётган 37,8 тонна минерал ўғит, 16,9 тонна нефть, 40,5 тонна омухта ем, 1 дона кишлоқ ҳўжалиги техникаси олинмишда, 1,7 млн. сўмлик иш ҳақи, 65,2 млн сўмлик дебитор қарздорлик ундирилишда, 11,2 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилишда ва фермер ҳўжалиқларини давлат рўйхатидан ўтказилишда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Жумладан, вилоят прокуратураси томонидан Қизилтепа туманида фаолият кўрсатаётган "Қандиёр Нишон" фермер ҳўжалиги фойдасига "Қизилтепа пахтаотозлаш" АЖдан етказиб берилган маҳсулотлар учун тўланмасдан турган 32 млн. сўмлик маблағларни ундириб берилди.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонининг ижроси юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда асосий кишлоқ ҳўжалик экинлари (пахта ва галла) экиладиган майдонлар мониторингинг мунтазам ўтказилиб келинди. Ўтказилган мониторинглар давомида пахта экишга мўлжалланган 31,6 гектар майдонлар ўзбошимчилик билан эгзаллаб олиниб, бошқа экинлар экилганлиги ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Назорат тадбирлари давомида ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш, мелiorация ишлари учун давлатимиз бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадсиз ишлатилиши ва уларнинг талон-торож қилинишининг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор берилиб, бу борада 5,1 млн. сўмлик бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва 43 млн. сўмлик маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди ва жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Маълумки, сув тақчиллиги муаммоси минтақавий аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур муаммо ечимиде мавжуд сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, сув тақчиллигининг салбий оқибатларини юмшатишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим ўрин тутди. Бу

йўналишда олиб борилган назорат тадбирлари давомида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиш ва бартараф этилиши билан бир қаторда, пахта ва галлачилик йўналишидаги 977 та фермер ҳўжалиги далаларида сувнинг беҳуда қишининг олдини олиш ва ундан самарали фойдаланишда амалий ёрдамлар кўрсатилиб, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда 6 мингга яқин гидропостлар ўрнатилди.

Ёнилғи-мойлаш материалларидан тежамли фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида ҳам назорат тадбирлари олиб борилиб, тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, "Навоий-нефтьбазаси" унитар корхонаси Хатирчи филиалига қарашли 11-сонли ФЭКШ катта оператори С.Юнусов ва 5-сонли ФЭКШ катта оператори Б.Эшпўлатовлар 2009 йилнинг август-сентябрь ойларида фермер ҳўжалиқларига етказиб берилиши лозим бўлган 12,6 млн. сўмлик 13,3 тонна нефть маҳсулотларини сохта ҳўжатлар асосида талон-торож қилишгани аниқланиб, суд ҳукмига асосан уларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини қўпайтиришни рағбатлантиришни қўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 842-сонли Қарорига асосан, узок кишлоқлар аҳолисини омухта ем маҳсулотларига бўлган талабни қондириш орқали уларда чорва моллари сонини қўпайтириш юзасидан фаолият олиб бораётган айрим ем бирлашмалари томонидан талон-торожлик ҳолатлари содир этилганлиги аниқланди. Ваколати идора раҳбарларига 6 та тақдирнома киритилиб, 25 нафар мансабдор шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 12 нафар шахсга нисбатан маъмурий ва 3 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, "Навбахор ем бирлашмаси" МЧЖга қарашли 2-сонли шохобча мудири Ф.Турсунов, 6-сонли шохобча мудири С.Жумабоев ва "Конимех ем бирлашмаси" МЧЖга қарашли 2-сонли шохобча мудири А.Умаровлар аҳолига сотилиши лозим бўлган 6 млн. сўмлик 17 тонна омухта ем маҳсулотини ўзлаштириб юборганликлари юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, уларга нисбатан суд ҳукмига асосан тегишли жазолар белгиланди.

Ўртимиз бозорларини мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг бу борадаги эътиёжини қондириш юзасидан Вазирлар Маҳмаси томонидан 2010 йил 23 ноябрда чиқарилган "2011 йилда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка ва узум ишлаб чиқариш ва ишлатиш прогнoзлари кўрсатиқчилари тўғрисида"ги 261-сонли Қарори ижроси юзасидан олиб борилган назорат тадбирларида, бу йўналишда фаолият олиб бораётган мутасадди ташкилотлар томонидан ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ваколати идораларга 3 та тақдирнома киритилиб, 76 нафар шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 13 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, "Карманевасабзавоттаёрловсавдо" МЧЖ мансабдор шахслари 2010 йил да-

вомида 41 млн. 983 минг сўмлик озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан қонқуний равишда улғуржи савдо фаолиятини амалга ошириб келишганлиги аниқланиб, уларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди ва суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Пахта, галла ва пилла етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилганлиги натижасида жорий йилда вилоятда 958,9 тонна пилла етиштирилиб, режа 100,7 фоизга бажарилган. Бундан ташқари, 7 июлда вилоятдаги фермер ҳўжаликлари томонидан 97607 тонна дон етказиб берилиб, режа 100 фоизга бажарилди, 1187 та фермер ҳўжаликлари томонидан шартномавий мажбуриятлар ошиги билан бажарилган.


Вилоятда чигит экилган 35800 гектар майдонларда гўза ниҳоллари тўлиқ ундириб олинган бўлиб, айни пайтда гўза ниҳолларини парваришлаш борасида барча агротехник тадбирлар белгиланган муддатларда олиб боришмоқда.

Вазирлар Маҳмасасининг 1998 йил 13 июндаги "Қорақўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда ўтказилган назорат тадбирлари давомида 5453 чорва молларининг талон-торож қилиниши оқибатида ширкат ҳўжалиқларига 338,7 млн. сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, 9 та жиноят иши қўзғатилган. Жумладан, Томди туманидаги "Жанаура" ширкат ҳўжалигининг "Таспен" фермаси бош қўпони К.Ералиев ўз жавобгарлигидаги 58 млн. сўмлик 741 бош майда шохли молларни ва 1 бош ишчи отни талон-торож қилганлиги аниқланиб, унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан иш қўзғатилиб, тергов якунига кўра айблов ҳулосаси билан судга юборилган ва жиноят иши ҳозирда судда қўрилимоқда.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини қўриб чиқиш ва қонуний муддатларда ҳал қилиш, фуқаролар, деҳқон, фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари ва тадбиркорларнинг шахсий қабулини ўтказиш масалаларига жиддий эътибор берилди.

Ҳисобот даврида вилоят прокуратура органларига фуқаролардан келиб тушган жами 2224 та ариза ва шикоятларнинг 857 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилди, шундан 108 таси қаноатлантирилди, 153 таси рад этилди, 596 таси бўйича тушунтириш берилди, 85 нафар фуқаронинг поймол этилган ҳуқуқлари тикланди. Бу жараёнда ҳар бир муносабатни синчиклаб қўриб чиқиш, маълумларга асосли жавоблар берилишига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг муносабатлари билан ишлаш аҳоли вақти-вақти билан вилоят прокуратураси ҳайъатида қўриб борилиши таъминланди.

Келгусида ҳам Навоий вилоят прокуратураси органларининг асосий эътибори вилоятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан бир вақтда, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ҳимояга оид қонунлар ижросининг тўлиқ таъминланишига қаратилади.



Ёшлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида

Ҳар бир мамлакатнинг келажаги бевосита ўсиб келаётган авлод билан боғлиқ. Шу боис болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг шахс сифатида ривожланиши учун етарли шароит яратиб берилиши лозим. Албатта, бу ўринда прокуратура органларининг тутган ўрни бениҳоя катта. Вилоят прокуратура органлари томонидан ушбу йўналишда бир қатор талбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, виллоят ҳудудида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар идораларида профилактик ҳисобга турувчи вояга етмаганларга виллоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари мураббий қилиб бириктирилган.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ҳар йили анъанавий тарзда ёшларнинг республикамазмин диққатга сазовор жойларига саёхати ташкил этилган. Жорий йилнинг ёз ойларида виллоятнинг Навоий ва Зарафшон шахри, Қизилтепа, Хатирчи, Навбахор, Қонимех туманларида мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ички ишлар идораларида профилактик ҳисобга турувчи ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг 280 нафари Навоий, Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё виллоятларининг диққатга сазовор жойларига саёхат қилишди. Албатта, бу талбирга Навоий шахридаги "Меҳрибонлик уйи" ва Зарафшон шахридаги "Шодлик" меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам жалб қилиб келинмоқда.

"1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш" да виллоят прокуратураси ташаббуси билан уйда ёлғиз тарбияланаётган ногирон болаларнинг аҳолидан хабар олиш, уларга соғва-саломлар улаштириш талбирлари аёна тусига кирган. 2011 йил 1 июнь кунин ушбу тоифадаги 10 нафар уйда таълим-тарбия олаётган ва

ҳаракатсиз ётган ногирон болаларнинг оилавий аҳолидан хабар олиниб, уларга 1 млн. сўмдан ортиқ соғвалар тарқатилди.

Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш, уларни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида мутасадди идоралар ва ҳокимий ташкилотлар билан ҳамкорликда спорт мажмуалари қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Навоий шахар прокуратураси биносининг ёнидаги ташландиқ ер майдонини ободонлаштирилиб, замонавий талабаларга мос келадиган, спортнинг футбол, мини футбол, теннис, стол теннис, волейбол, гандбол, баскетбол ва бошқа турлари билан шугулланувчилар учун барча қулайликларга эга бўлган спорт мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Ушбу спорт мажмуаси Навоий шахридаги "Меҳрибонлик уйи" балансида топширилиб, тарбияланувчиларига фойдаланиш учун берилди.

Шунингдек, Қармана ва Учқудук туманларида стадионлар қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

2010 йилда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида "Вояга етмаган

Алишер ТЕСАЕВ,
Навоий виллоят прокуратурасининг
катта ёрдамчиси

ларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази" фаолият кўрсата бошлади. Ушбу Марказнинг ташкил этилиши виллоятда вояга етмаганларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолиши ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир қилинишини профилактика қилишда муҳим аҳамиятга эга.

2005 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик аҳолини тахлил қиладиган бўлсак, олиб борилаётган талбирларнинг самараси натижасида жиноятлар ва жиноятда иштирок этган шахслар сони камайганлигини кузатиш мумкин.

Ҳозирги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланган умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиниши ва коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи прокуратура органларининг диққат марказида турибди. Ушбу йўналишда мунтазам равишда мониторинглар ўтказилиб, натижаларига қўра аниқланган қўнунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўйилмоқда.

Ёш авлодни баркамол қилиб ўстириш, яъни уларни жисмонан ва маънан етук, ота-онасига, Ватанига содиқ инсонлар этиб тарбиялашга ҳар биримиз масъулият била ёндашиб, уларга қўлай шарт-шароитлар яратиб беришимиз лозим. Президентимиз Ислам Каримов: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", — деб бежиз айтмаган.

Қонун устуворлиги йўлида

Баҳриддин АҲМЕДОВ,
Зарафшон иختисослаштирилган прокурори

Зарафшон иختисослаштирилган прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши учун вазирликлар, идора ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида доимий равишда назорат талбирларини ўтказиб келмоқда. Бу борадаги қўнунлар ижроси аҳоли ҳақида тегишли назорат текширув ва бошқа идоралардан маълумотлар олиниб, тахлил натижасида аниқланган қўнунбузилишларга нисбатан таъсирчан прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш орқали қўнунлиқни мустақамлаш талбирлари ташкил этилган.

"Поток" Зарафшон қон бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўлинишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси текширилганда, қорхонанинг қайси қўн ҳолатига ишчи-ҳодимлар учун ҳисобланган иш ҳақлари юзасидан жами 131,1 млн. сўмлик қарздорликка йўл қўйилганлиги аниқланган ва қорхонанинг 2 нафар масъул шахсига нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди. Иш ҳақидан қарздорлик текшириш жараёнида бартараф этилиб, уларнинг тўлаб берилиши таъминланди.

Фўқаро А.Гапуровнинг аризаси юзасидан текшириш ўтказилганда, Марказий қон бошқармасига қарашли Уй-жой коммунал бошқармасида соловчи бўлиб ишловчи А.Гапуровнинг май-июнь ойлари учун ҳисобланган 168 минг 806 сўмлик ва

180 минг сўмлик ногиронлик нафақаси ҳамда Марказий қон бошқармаси ишчиларининг 8 млн. 313 минг 798 сўмлик иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланди.

МКБда бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи М.Олшанская Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ва Меҳнат кодексининг 110,161-моддалари талабларини қўпол равишда бузиб, А.Гапуровнинг иш ҳақи ва нафақа пулларини тўлаш ҳамда МКБ ишчилари иш ҳақи қарздорликлари бартараф этиш чораларини қўрмаган. Шу сабабли М.Олшанскаяга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди ва жавобгарликка тортилди. А.Гапуров ва МКБ ишчиларининг иш ҳақи ва пенсия тўловлари тўлаб берилиши таъминланди. Мазкур ҳолат бўйича 2 нафар шахс қўнунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди.

Худди шундай, НКМКга қарашли "Қизилқум" футбол клубида ушбу қўнунчиликка оид маълумотлар олиниб, текширилди. Аниқланишича, клубнинг 83 нафар ишчи-хизматчисининг 2010 йилнинг сентябр, октябр ойлари учун ҳисобланган жами 99,4 млн. сўмлик ойлик иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаган. Прокурор қарори билан клуб раҳбари Ф.Джалолов ва бош ҳисобчиси М.Ташнаевлар МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди. Иш ҳақидан қарздорлик текшириш жараёнида бартараф этилди.

Доимий назоратда

Фаррух КОДИРОВ,
Навоий виллоят прокуратураси бўлим прокурори

Мамлакатимизда қорвачилик соҳасини ривожлантириш, аҳолининг гўшт ва суг маҳсулотларига бўлган талабини қондириш энг долзарб вазифалардан эканлиги маълум. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорва молларини қўпайтиришни рағбатлантиришни кўчатириш ва қорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июндаги "Қоракўччиликда иқтисодий ислохотларни қўқулаштириш ва уни давлат томонидан қўлаб-қўватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ижроси юзасидан виллоятда амалий ишлар олиб боришмоқда.

Виллоят бўйича ҳозирги кунда 332 минг 456 бош қорамол, 1 млн. 321 минг 679 бош қўй-эчки, 8080 бош от, 5437 бош тўя, 1 млн. 363 минг 979 бош парранда боқилмоқда.

Паррандачиликни ривожлантириш Дастурига асосан жорий йилда виллоятнинг ҳар бир туманида 3-5 тадан 5-10 минг бош парранда боқишга иختисослашган 24 та фермер ҳўжалиги ташкил этилиб, шундан виллоят "Пахтасанот" ҲАБ томонидан 30 минг, "Навоий нефтгаза" унитар қорхонаси ва виллоят "Қишлоққўқчилик" ҲАЖнинг шохобчаларида 16 минг 200 бош парранда боқиш ишлари йўлга қўйилган.

Виллоятда мавҳуд 3 та табиий қўл ҳавзаларида фаолият кўрсатаётган субъектларда жорий йилнинг ўтган даврида 272 тонна балиқ овланган. Жорий йилда балиқ етиштиришнинг янги технологияларини жорий этиш режалаштирилган. Суный ҳовузларда балиқ човқларини боқиш мақсадида "Аква Тўдақўл" қўшма қорхонаси таркибида йиллик қўватти 1000 тонна бўлган гранула ҳолидаги омухта ем ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилган.

Қорвачиликда қорамолчилик етакчи соҳа ҳисобланади. Виллоятда ташкил этилган 81 та зооветеринария, 45 та суный қочирини, 18 та суный урулантириш пунктлари томонидан жорий йилнинг 1-чорагида аҳоли ва фермер ҳўжаликларида 578,1 млн. сўмлик ветеринария хизматлари қўрсатилган.

Қорва моллари наслини яхшилаш, наслдор моллар сонини қўпайтириш мақсадида кейинги 4 йил давомида виллоятда 1041 бош насли қорамол четдан келтирилиб, улардан 1120 бош буюқ олинган. Насли қорамоллар сони 2156 бошга етказилган. Буларнинг барчаси қўвонарли ҳолат, албатта. Аммо ўтказилган назорат талбирларида айрим қўнунбузилиш ҳолатлари ҳам йўл қўйиб келинаётганлиги аниқланди ва тегишли чоралар қўрилди.


Виллоят прокуратураси қорвачиликни ривожлантириш ҳамда қорва тўғини асрашга қаратилган қўнун ҳўжатларининг ижроси юзасидан доимий равишда назорат талбирларини амалга ошириб, аниқланган қўнунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳўжатлари қўйилган.

Қайд этилган даврда ўтказилган 16 та назорат талбирлари мобайнида қўнунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида тегишли идоралар раҳбарлари номига 20 та тақдиминома киритилган. 28 нафар шахсга нисбатан маъмурий ва интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган. 70 нафар мансабдор шахс қўнунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилган. 28268 бош қорва моллари талон-торож қилиниши оқибатида қорвачиликка иختисослашган ширкат ҳўжаликлари манфаатларига 1 млрд. 836 млн. сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги аниқланган. Мазкур ҳолатлар юзасидан 33 та жиноят ишлари қўзғатилган ва етказилган зарар текшириш ҳамда дастлабки тергов давомида айбдор шахслардан тўлиқ ундирилиши таъминланган.

Жумладан, Қонимех туманидаги "Қизилқум" ширкат ҳўжалиги мансабдор ва моддий жавобгар шахслари 247 млн. 514 минг сўмлик 6444 бош майда шохли молларни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли орқали талон-торож қилишган.

Мазкур ҳолат юзасидан Қонимех туман прокуратураси ширкат ҳўжалиги мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатган ва тергов ишлари олиб боришган. Терговда 78 нафар шахсга нисбатан айблов эълон қилиниб, ширкат ҳўжалиги манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланган. Жиноят иши айблов ҳўласаси билан судга юборилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Виллоят прокуратура органлари қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни қўқулаштиришга оид қўнунлар, Республика Президенти Фармонлари ва Ҳўкумат қарорлари ижроси юзасидан доимий назорат талбирларини қатъият билан давом эттиради.



Навоий виллояти

Навоий виллояти 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди 110,9 минг кв.км. Виллоятда 8 та туман, 2 та виллоят бўйсунувчи шахар, 7 та шахар типидagi посёлка, 54 та ҚФЙ, 282 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, жами 627 та аҳоли яшаш пункти мавжуд бўлиб, 863,1 минг киши истиқомат қилади. Виллоятда 42 та касалхона ва 71 та маданият муассасаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Виллоятда 2 та олий ўқув юрти, 47 та касб-ҳўнар коллежи, 4 та академик лицей, 361 та мактаб ва 185 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда.

Эл-юрт фаровонлиги манбаи



Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам туб ислохотлар жараёни бошланган. Аграр соҳада амалга оширилган ислохот ва ўзгаришлардан қўзланган мақсад юқори ҳосилдорликка эришиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, шу аснода юрт фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижроси юзасидан доимий равишда назорат ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Бу йўналишда прокурор назоратини ташкил этишда асосий эътибор пахта ва галла экиладиган майдонлар мониторингини ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилги-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, фермер хўжалиklarининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилди.

2011 йилнинг 6 ойида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 1 494 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 61 142 та прокурор назорати ҳужжатлари қўйилган.

Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 1 709 та протест келтирилди, прокурорларнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 16 563 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. 540,9 млн. сўмдан ортиқ зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилиб, судларга 19,4 млрд. сўмлик зарарни ундириш бўйича 5 688 та ариза киритилган. Шунингдек, жиддий қонунбузилишлар юзасидан 464 та жиноят иши кўзга ташланган.

Прокуратура органлари томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчиликларга ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида назорат ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Республика бўйича 6.385,3 гектардан ортиқ экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келинганлиги аниқланиб, қўрилган чоралар натижасида бу ерларнинг 1.179,4 гектарга яқини захира ер фондида қайтарилиши таъминланган. Шунингдек, жорий йилнинг 6 ойида мансабдор шахслар томонидан 499 та ҳолатда 4.518,6 гектар ер майдони ноқонуний ажратилганлиги аниқланиб, 3.230,4 гектарининг қайтарилиши таъминланган.

Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан 200 та ҳолатда 3.982 гектар, фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан 86 та ҳолатда 338 гектар, "Ергеодезкадастр" хизмати ходимлари томонидан 2 та ҳолатда 8 гектар, ММТП раислари томонидан 2 та ҳолатда 125 гектар, бошқалар томонидан 209 та ҳолатда 66 гектар экин ерлари ноқонуний равишда ажратиб берилган.

Ер тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасига кўра, 4 210 нафар мансабдор шахс қонун талабларини бузмаслик ҳақида огоҳлантирилган. 3 466 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 101 та жиноят иши кўзга ташланган. Масалан, Бувайда туман ҳокимлиги ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мансабдор шахслари томонидан 4.095 гектар экин майдонига ноқонуний равишда шולי экилишига ҳамда уни етиштириш учун 390 млн. сўмлик сув ноқонуний сарфланишига йўл қўйилган.

Шунингдек, Учқўрғон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Т.Сиддиқов 2011 йил ҳосили учун чигит экилиши лозим бўлган 169 гектар майдонга сабзавот ва полиз экинлари экилганлигини билса-да, ушбу майдонни буздириш ва чигит экилишини таъминлаш чораларини кўрмаган.

Мирзаобод туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Б.Хўжабеков эса чигит экилиши лозим бўлган 269 гектарга ноқонуний равишда полиз экинлари экилишига йўл қўйган.

Шу каби, Қўмқўрғон туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Н.Жумаев ва бошқалар туманда режадаги майдонга тўлиқ чигит экилганлиги ҳақида сохта маълумот тузиб, 179 гектарга чигит экилмасдан қилинишига сабабчи бўлганлар. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга ташланган, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Избоскан туманидаги "Асилбек Барака ривож" фермер хўжалиги раҳбари А.Холматов 2011 йил ҳосили учун 42 гектар чигит экилган майдонни бузиб, шולי экиб олганлиги учун жиноят иши кўзга ташланган, айбдорлар тергов ва суд олдида жавоб бермоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 190 нафар мансабдор шахс томонидан 4.427 гектардан ортиқ ер майдони қонун-

сиз ажратилиб, таниш-билишлари, яқинлари ва хатто ўзларига фермерликни расмийлаштириб, уларнинг фаолиятига ҳомийлик қилиш, ерларни пора эвазига сотиш каби мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйилганлиги фош этилди. Булоқбози туман ҳокими М.Раҳимов "Ташланбой кўли" балиқчилик корхонасини ташкил қилиб бериш эвазига 2 минг АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтда ушланган, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш масалалари прокурор назоратининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Прокуратура органлари томонидан 36 та фермер хўжалигига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисоб-рақами очишда, 1.672,1 млн. сўм кредит, 1031,1 млн. сўм иш ҳақи, 96,6 млн. сўм нақд пул олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Уларга 129,2 млн. сўм кредитор қарзини тўлашда ва 3055,3 млн. сўм дебитор қарзларни ундиришда, 1374,9 гектар ер, 11 302 тонна минерал ўғит, 574,9 тонна нефть, 142 донга қишлоқ хўжалиги техникалари, 96,5 тонна чигит, 14 қўти ипак қурти, 216,5 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратиб берилишида қўмақлашилди.

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 апрелдаги "2011 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1523-сонли Қарори ижроси юзасидан мунтазам равишда мониторинг ўтказилмоқда.

Мониторинглар давомида жойларда 2011 йил галла ҳосилини нобудгарчиликсиз йиғиштириб олишда бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётгани аниқланган. Масалан, "Қишлоқхўжалик-кимё" АЖ Беширик туман шўъба корхонаси мансабдор шахслари 40,8 гектар майдонга галла экиш учун олинган 10 тонна уруғлик донни ўзлаштирилганлиги учун тергов олдида жавоб бермоқдалар.

Ёки Жиззах вилоятидаги "Кулмуҳаммад ўғли Хошимбой" фермер хўжалиги раҳбари А.Абдиев 2011 йил ҳосили учун экин шולי бўлган 6 млн. сўмлик 9,2 тонна уруғлик донни талон-торож қилганлиги ҳолати юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ушбу йўналишда ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ваколатига эга бўлган идораларга 82 та тақдимнома киритилган. Қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳусу-

сида 3 874 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилган, 380 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 11 та жиноят иши кўзга ташланган.

Шунингдек, "Ўздонмаҳсулот" АК тизимидаги корхоналарда қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги оқибатида 1 млрд. 456 млн. сўмлик 4 368 тонна дон маҳсулотлари талон-торож қилинганлиги аниқланган.

Катта миқдордаги талон-торожликларга асосан Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида йўл қўйилган.

Жумладан, "Асакадонмаҳсулотлари" АЖга қарашли "Шаҳрихон" дон қабул қилиш шохбаси мудури У.Ҳамдамов давлат харид баҳоси 292 млн. сўмлик 1 217 тонна, "Қувадонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти омбор мудури Н.Тожибоев 122 млн. сўмлик 510 тонна буғдойни ўзлаштириб юборган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга ташланган, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўза зараркундандалари ва касалликларига қарши кураш ишларида.

2011 йил 1 июль ҳолатига республика бўйича 452 787 гектар экин майдонларига чигит қалалар тарқалган. Булар асосан Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий, Тошкент, Сирдарё ва Бухоро вилоятларига тўғри келади. Шунга қарамай, қимёвий ишлов ўтказиш Қорақалпоғистон Республикасида 43,9 минг гектарни ёки 72 фоизни, Навоий вилоятида 18,8 минг гектар ёки 79 фоизни ташкил қилган, ҳолос.

Шунингдек, зараркундандалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган етарлича профилактик чоралар қўрилмаганлиги оқибатида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида 58 минг гектарга ширатрис, ўргимчакана ва қўсақ қурти зараркундандалари тушиб, экинлар зарарланган бўлса-да, уларга қарши ишлов беришга бепарволик билан қараб келинган.

Бундан ташқари, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятларида трихограмма, Жиззах, Самарқанд, Тошкент вилоятларида бракон ишлаб чиқариш топириклари бажарилмаган.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган қонунлар, Президент Фармонлари ва қарор-

Н.ЖАБОРОВ,
Бош прокуратура бўлими бошлиғи

лари ҳамда Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича назорат ўрнатилган. Тизимда қатъий тартиб ўрнатилмаганлиги, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги ва идоравий назоратнинг йўқлиги оқибатида ходимлар томонидан мол-мулкларнинг талон-торож қилиниши ва бошқа суиистеъмолчиликларга чек қўйилмаган.

"Чинобод пахта тозалаш" АЖ мансабдор шахслари фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағларни тўғри тақсимламаганлиги оқибатида 41 та фермер хўжалиklarига 55 млн. сўм кам, 31 та фермер хўжалиklarига эса 581 млн. сўм қўп маблағ ажратилишига йўл қўйилган.

"Шеробод пахта тозалаш" АЖ мансабдор шахслари бўлса, фермер хўжалиklarини томонидан давлат эҳтиёжларига етказиб берилган пахта ҳосили учун тўлаиши лозим бўлган 470 млн. сўмлик маблағни бошқа мақсадларга сарфлашган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари бўйича айбдор шахслар тергов ва суд олдида жавоб бермоқдалар.

Ўтказилган тадбирларда 99 тонна минерал ўғит, 13 минг 665 тонна нефть маҳсулотлари ва 1,3 тонна чигитни республика ҳудудидан четга олиб чиқиш кетиш ҳолатлари аниқланиб, 219 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 16 та жиноят ишлари кўзга ташланган.

Айрим пилла қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида товар-моддий бойликлар сақланишини таъминлашга бепарволик ва хўжасизларча муносабатда бўлинганлиги оқибатида уларни ўзлаштириш ва талон-торож қилиш ҳоллари кенг тарқалган. Масалан, Избоскан туманидаги "Пилла" давлат корхонаси директори А.Абдурашидов 11,2 млн. сўмлик иш ҳақини ноқонуний равишда натура шаклида тўлаб, ишчи-хизматчилар манфаатларига зарар етказганлиги учун тергов олдида жавоб бермоқда.

Республика бўйича 2011 йил баҳорида тут қўчатлари экиш топириги Хоразмда 14 фоиз, Сирдарёда 23 фоиз, Фарғонада 24 фоиз ҳамда Андижонда 26 фоизга бажарилган, ҳолос. Айрим ҳолатларда тут дархатларини ноқонуний равишда кесил ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, Ўйчи туманидаги "Ўйчи Бойбон" ММТП ер тузувчиси Б.Содиқов 1 172 тут тут дархатларининг ноқонуний равишда кесилишига йўл қўйиб, табиатга 23,3 млн. сўмлик моддий зарар етказганлиги ҳолати юзасидан суд олдида жавоб бермоқда.

Минерал ўғитлар билан таъминлаш, сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда 1 372 тонна минерал ўғит талон-торож қилинганлиги аниқланган. Масалан, "Қишлоқхўжалиқимиз" Юқори Чирчиқ туман филиали мансабдор ва моддий жавобгар шахслари 1,2 млрд. сўмлик, "Гулистон" шохобчаси омбор мудири Х.Рустамов 27 млн. сўмлик, "Ийк ота" шохобчаси омбор мудири У.Арипов 24 млн. сўмлик минерал ўғитни талон-торож қилганлар.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тилиб, айбдор шахслар суд олдида жавоб бермоқдалар.

"Ўзкимёсаноат" ДАКда тўлов интизоми тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлашда ҳам жиддий нуксонларнинг мавжудлиги маълум бўлди.

"Қишлоқхўжалиқимиз" АЖнинг қишлоқ хўжалиқ корхоналари-га етказиб берилган минерал ўғитлар учун 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига дебитор қарздорлиги 351 млрд. сўмни ташкил этиб, барчасининг муддати ўтган. Асосий қарздорликлар Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Жиззах ва Тошкент вилоятларига тўри келади.

Айрим вилоятларда ирригация ва мелиорация тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш ишларига етарли эътибор берилмапти. Бу йўналишда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, 3 669 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. 2 340 нафардан ортиқ шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилб, ихтиёрий ундирилган пуллар миқдори 14,1 млн. сўмдан ортиган. Судларга 111,7 млн. сўмлик зарарларни ундириш ҳақида даъво аризалари юборилган. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 21 та жиноят ишлари кўзга тилиб, 2011 йилнинг 6 ойида прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда 127 млн. сўмлик ирригация ва мелиорация иншоотлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, шундан 109 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Ёнлиғи-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақлиниши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси устидан ўтказилган тадбирлар натижасида 242 тонна ёнлиғи-мойлаш маҳсулотлари, 319 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги аниқланган.

Ўтказилган текширишлар натижасига кўра 413 та тақдиминома киритилган, 849 нафар шахс оғохлантирилган, прокурорларнинг қарорлари ва тақдиминомаларига асосан 1 825 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 59 та жиноят ишлари кўзга тилиб, 22,4 млн. сўмдан ортиқ зарар айбдорлардан ихтиёрий ундириб олинган, 88 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан судларга 38 та даъво аризаси юборилган.

Шунингдек, айрим мансабдор шахслар томонидан қишлоқ хўжалиги техника воситаларини талон-торож қилиш ҳолатлари ҳам аниқланиб, кескин қоралар қўрилган.

Хусусан, "Давтехназорат" давлат инспекциясининг Чиноз тумани инспектори А.Ахмедов томонидан тумандаги техникалар хатловдан ўтказиб берилмаганлиги оқибатида 53 турдаги 178 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиқ техникалари талон-торож қилинишига йўл қўйилган. Буз туман "МТП" АЖ мансабдорлари 28,4 млн. сўмлик, Ургут туманидаги "Жўратежа ҳамкор сервис" агрофирмаси раиси А.Исmoilов ва бошқалар 16 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиқ техникаларини талон-торож қилишган. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Республика бўйича транспорт тракторларидан 15 244 таси, юқори унумли пахта териш комбайнларидан 556 таси, ер текислагичлардан 1 864 таси, чуқур юмшатиқлардан 2 937 таси носоз ҳолда эканлиги ачинавори ҳолат, албатта.

Бу носоз қишлоқ хўжалиги техникаларининг асосий қисми Андижон, Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига тўри келади.

Қишлоқ хўжалигида иш ҳақи, кредит ва бошқа маблағларнинг мақсадли сарфланиши таъминланмаганлиги оқибатида, шунга йўналтирилган 1,1 млрд. сўм маблағ талон-торож қилинганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 446,4 млн. сўмдан ортиқ зарарларнинг айбдорлардан ундириб олиниши таъминланган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 145 млн. сўмлик бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланган. Прокуратура органларининг аралашуви билан 38 млн. сўмликдан ортиқ зарарнинг айбдорлардан ундириб олиниши таъминланган.

Масалан, Бекобод туман ҳокимлиги ҳузуридаги фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус комиссия мансабдор шахслари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 ноябрдаги 755-Ф-сонли Фармойишига асосан ажратилган 85 млн. сўм бюджет маблағларини 69 та фермер хўжалиқларига ноқонуний равишда тайинлаб, тўлаб юборганликлари оқибатида давлатга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган.

Худди шу каби, Оққўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссия аъзолари ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда пахта етиштирган фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ажратилган 3,4 млн. сўмлик маблағларни 4 та фермер хўжалиқларига ноқонуний тайинлаб, тўлаб юборишган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан 81 тонна омухта ем талон-торож қилинганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан кескин қоралар қўрилган. Масалан, Андижон туман "Чорва Озуқа бирлашмаси" МЧЖ мансабдор шахслари 2010 йил ноябрь ойидан жорий йилнинг март ойига қадар тақсимланган қунжара маҳсулотларини 1 кг.ни белгиланган 260 сўм ўрнига асоссиз равишда устама қўйилгани ҳолда, 400 сўмдан, шелуха маҳсулотларини 100 сўм ўрнига 150 сўмдан сотишиб, аҳолидан ортиқча олинган 5,6 млн. сўм маблағларни қирим қилмасдан, банк муассасасига топширишмасдан, ўзлаштириб юборишган. Шу каби қонунбузилиш ҳолатларига Андижон шаҳар, Балиқчи, Булоқбоши ва Бўз туман "Чорва озуқа бирлашмаси" масъулияти чекланган жамиятлари мансабдор шахслари томонидан ҳам йўл қўйилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан кўзга тилинган жиноят ишлари бўйича айбдор шахслар тергов олдида жавоб бермоқдалар.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Улкан эътибор намунаси



Истиқлол йилларидаги ислохотлар туфайли мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу соҳада қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Иқтисодий фаровонлигимизга хизмат қилувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб қарувчиларни рағбатлантириш борасида амалий чоралар қўрилди. Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада янги даврни бошлаб берди. 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши эса мамлакатимизда соҳага бўлган эътиборнинг улкан намунаси сифатида баҳоланмоқда.

Хоразм вилоятида 2011 йил 1 май ҳолатига 31911 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 28107 таси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу субъектларнинг 20810 таси қишлоқ хўжалиги, 3778 таси савдо ва оватқаланиш, 2242 таси саноат, 1091 таси эса қурилиш соҳасида фаолият юритади.

Вилоятда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 136 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиб режалаштирилган бўлиб, йилнинг ўтган даври мобайнида 47,9 млрд. сўм кредитлар ажратилган.

Вилоят прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда уларнинг ривожланишини рағбатлантириш, шу орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бунда асосий эътибор тадбиркорлик тузилмалари вакиллари, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш истагидаги фуқаролар билан учрашувлар ўтказишга, қонун, фармон ва қарорлар талабларининг тарғиб қилинишига қаратилмоқда.

Прокуратура ходимларидан иборат тарғибот гуруҳлари жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳар ҳафтанинг жума кунлари ўтказилаётган "очик эшиклар" кунларида ташкил қилинаётган учрашувлардаги самарадорлигини таъминламоқда. Шунингдек, мурожаатларни жойида ҳал қилиш, текшириш талаб қилинадигани эса тегишли тартибда қисқа муддатларда кўриб чиқиш тизими йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида прокуратура идораларида "007" рақамли ишонч телефонлари фаолият кўрсатмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида ишонч телефонларига жами 140 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 132 таси ҳал қилинди, 100 таси асосли деб топилди, қаноатлантирилди.

Жумладан, Шовот туманидаги яқка тадбиркор Н.Сопорбоевнинг мурожаати асосида ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра, банк филиали раҳбарлари томонидан тадбиркорга ажратилган 2,4 млн. сўм кредит маблағи тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Ушбу маблағ тадбиркорга тўлангани расмийлаштирилган бўлса-да, вилоят прокуратурасининг аралашувида кейингина кредит тўлиқ тўланиши таъминланди ва аниқланган қонунбузарлик юзасидан жазо чоралари кўрилди.

Шунингдек, "Қатқалъа текс" МЧЖ раиси У.Абдуллаевнинг мурожаати ҳам мутахассислар иштирокида текширилди.

Аниқланишича, Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан, Шовот туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан "Қатқалъа текс" МЧЖнинг тақдим қилган ҳисоботлари бўйича камерал назорат ўтказилиб, натижаси бўйича Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Авалл хусусийлаштирилган корхоналар ягона солиқ тўловларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби" тўғрисидаги вақтинчалик Низомга асосан "Қатқалъа текс" МЧЖ аввал хусусийлаштирилган корхоналар тоғмасига киририлиб, 2010 йил 1 январдан ягона солиқ туридан умумий солиқ турига ўтказилган.

Вахланки, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасида давлат тасарруфидан чиқариш деғанда, давлат корхоналари ва ташкилотларини ҳўжалиқ ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмаган бошқа корхоналар ташкилотларга айлантириш ҳамда хусусийлаштириш деғанда эса, жисмоний шахсларга ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциялари жамиятларини давлатдан сотиб олиш кўрсатилган.

"Шовот Турон" очик акциядорлик жамияти нодавлат, матлубот жамиятлари уюшмасининг "Шовот улғуржи савдо ба-

Райхоний ЮСУПОВА,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
Марсел АСХАДУЛЛИН,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

заси" неғизда ташкил қилинган бўлиб, Республика давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан фақат акциядорлик жамиятига айлантирилиши расмийлаштирилган. Шу боис жамият умумбелгиланган солиқларни тўлашга асоссиз ўтказилган деб топилди. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан "Қатқалъа текс" МЧЖнинг солиқдан бўлган қарздорлиги асоссиз белгиланганлиги сабабли 19 млн. сўм инкасса топширокномаларининг чиқариб олиниши таъминланди.

Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг ривожланишини рағбатлантириш янада қучайтириш юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра, асоссиз ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 10 та протест келтирилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан жойларга 29 та тақдиминома киритилди, прокурорнинг қарори ва тақдиминомага асосан 9 нафар шахс интизомий ва 7 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоят ҳўжалиқ судига 3,1 млн. сўмлик 5 та прокурор аризалари киритилган.

Мақсад тадбиркорлик субъектларининг қонун талаблари асосида янада самарали фаолият кўрсатишга, бунинг маҳсули сифатида эса аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига, юртимизнинг иқтисодий ривожланишига эришишдир.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва биналар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсиқликлар ва сансалолиқларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валюталарга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки "007" қисқа рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖД/Д/К/Д Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қўндалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қўнғий манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Қимматга тушган «ишора»

Мисқоллаб йиғилган обрўни бир сонияда йўқотиш мумкинлигига Тошкент вилоят статистика бошқармаси бошлиғи Зиёбек Йўлдошев ўзининг шахсий ҳаётида гувоҳ бўлди-ю, бироқ энди ҳар қанча пушаймон бўлмасин, фойдаси йўқ. Дарҳақиқат, у бу лавозимни эгаллагунча анча меҳнат қилиб, ўзини кўрсатиб. Бирма-бир амал пилалояларидан кўтарилиб, 2007 йил февраль ойида вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинланган 3.Йўлдошев, ўша йилнинг май ойидан 2009 йил августига бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи сифатида фаолият юритиб. Икки йиллик синовдан кейингина у бошқармага бошлиқ этиб тайинланди.

Аммо афсуски, орадан ярим йил ўтар-ўтмас, анима жин урди-ю, 3.Йўлдошев бир лавозининг ўзидан нафсининг қулига айланиб қолганини сезмай ҳам қолди.

Ушанда 2009 йилнинг декабрь ойи энди бошланган эди. Бошқармада иш бир маромда кечар, ходимларнинг қўли-қўлига тегмасди. Йил якунланишига санокли кунлар қолгани боис, бошлиқнинг ҳузурига ҳам биров кириб, биров чиқиб турибди. "Пахтасаноат" худудий лаҳзадорлик бирлашмасининг пахта хомашёси контрактация шартномалари ва ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи бўлими Ф.Джаббаров ҳам

навбати етгач, бошлиқнинг қабулига кириб кетди-ю, биров ҳаяллаб қолди. Йўқ, у бошлиқ билан бир пиёла чой ичиб, у ёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтириш учун қирмаган, мақсади олдинроқ ўзи ташлаб кетган, бирлашма томонидан тайёрланиб, раҳбари қўл қўйган солиштирма далолатномалар тасдиқланган бўлса, олиб кетмокчи эди.

Аммо... У 3.Йўлдошевга ҳисоботлар тайёр бўлса, олиб кетиш учун келганини айтса-да, бошлиқ нимагадир тезда жавоб бермади. Бироз ўйланиб тургач, ҳали қўриб чиқилмагани, охирига етказиб, жавоб беришини айтиди-ю, қўли билан имо-ишора қилгандек бўлди. Ноилож ортига қайтган Ф.Джаббаров, йўл-йўлақай унинг ишораси ҳақида ўйлаб келди. "Нимага шама қилди экан-а! Имо-ишора қилмай, шартта айтиб қўяолмайдими... Е... Йўғ-ей?! Унчаликка бормас..." У шундай ҳаёллар билан ишхонасига келгач, юмушлари билан андармон бўлиб, 3.Йўлдошевнинг ишорасини унутди.

Январь ойи бошлангач, Ф.Джаббаров яна бошқармага йўл олди. У бошқарма бошлиғининг ҳузурига кириб, ҳужжатларни олиб кетишга келганини айтиб, сўнгги пайтда шу иш учун ўзининг раҳбаридан гап эшитаётганини ҳам қўшиб қўйди. Бироқ бу сафар ҳам 3.Йўлдошевнинг ишорасини тушунмай, қуруқ қайтди. Ўйлаб кўрса, бунақа юриш билан иши битмайди. Бироз мулоҳаза қилиб кўрди-да, тегишли идорага мурожаат қилишга мажбур бўлди...

Ф.Джаббаров бу сафар 3.Йўлдошевнинг олдига овоз ёзиш мосалама-

Шавкат УМУРЗАКОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

си билан кириб келди. Бундан хабари йўқ бошлиқ бўлса, бошқа вилоятлар аллақачон ишларини хал қилишганини айтиб, улардан сўраб билиш кераклиги ҳақида писанда қилгандек бўлди-ю, яна қўли билан ишора қилди. Бундай савол-жавобга тайёр бўлиб келган Ф.Джаббаров ниҳоят "қанча?" деди секингина. 3.Йўлдошев жавоб бермади-ю, бармоқлари билан "беш"ни кўрсатди. Энди шубҳага ўрин қолмаган эди. Шундай бўлса-да, Ф.Джаббаров ишни янада пухта қилиш мақсадига, "кал ота-дами?" дея пичирлади. Бошлиқ бу сафар ҳам жавоб бермай, фақатгина боши билан тасдиқлади, қўйди.

Орадан икки кун ўтгач, Ф.Джаббаров яна бошқармага кириб келди. У бошлиқнинг ҳузурига кириб, яна ишорига дуч келди. Фақат бу сафар бошлиқ қўли билан эмас, қўзи билан костюми томон имо қилар эди. Ф.Джаббаров бундай ишораларга ўрганиб қолган эмасми, ўралган пулни дарҳол унинг костюми чўнтагига солди. У "топширик"ни бажариб бўлиб, энди хонадан чиқмокчи эди, эшикдан тезкор ходимлар кириб келишди.

Вакولاتини суиистеъмол қилиб, тамағирлик йўлига ўтган 3.Йўлдошев юқорида айтганимиздек, ҳар қанча пушаймон бўлмасин, энди вақтни орта қайтариб бўлмайди. Бу пушаймон унинг хатосини тузатмайди. Суд томонидан унга тайинланган жазо муддати эса, қилган хатолари ҳақида мушоҳада юритишга етарли бўлса керак.

Энди унга ишонишармикан?



Архитектура — барча фанларнинг онаси, деган таъриф тарафдорлари бу фикрнинг исботи учун қадим аждодаларимиз ҳаётидан далил келтирадилар. Ибтилоий одамнинг илк ижоди ўзи учун бошпана ясаш бўлган. Инсон тош, tupроқ, ёғоч ва лойдан қурилиш материали сифатида фойдаланган.

Даврлар ўтиб инсон беҳад маҳобатли, гўзал бинолар қуришни ўрганиб олди ва бу соҳа кун сайин тақомиллашиб бормокда. Шу боис, қурилиш материалларига эҳтиёж ҳам ошса ошадирки, сира камайган эмас. Мамлакатимизда ҳам халқ эҳтиёжини ҳисобга олиб қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хусусан, деворбоп материалларни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, қурилиш материаллари ишлаб чиқарамадан деган кишига ҳамма имконият яратиб берилмокда.

Аммо биров бунга тўғри тушуниб, чин юракдан иш бошласа, яна биров яратилган имкониятлардан ўзининг ғаразли мақсади йўлида фойдаланиб, давлат мулкани талон-торож қилишни мўлжалга олади.

"Уралов Фарҳод Аллаёрович" хусусий фирмасининг раҳбари Аллаёв Уралов ҳам қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ниятини билдирганда унинг қароридан хурсанд бўлганларнинг сон-саногини йўқ эди. Айниқса, қўни-қўшнилар ишининг тезроқ бошланишини кутишарди. Гишт ёки тахтани қўшни кишлоқдан ё бўлмаса ўнлаб километр узоқдаги шаҳарлардан ташиб келиш қаёқда-ю, ёнгинанганд олиш қаёқда? Ҳам қулай, ҳам арзон. Хуллас, таниш-билиш-

лар, "Ўзимизнинг Аллаёрдан оламиз", деб қурилиш ишларини вақтинча тўхтатиб ҳам қўйишди.

А.Уралов ҳам енг шимариб, ишга киришди. Аввало, ОАТБ "Агробанк" Ғузор филиалидан 3 йил мuddатга 10 млн. сўм миқдорига кредит олди. Шунча миқдордаги сармоя билан ҳеч бўлмаганда оддий гишт, блок гишт, оҳак пишириш каби ишларни йўлга қўйиб олиш мумкин эди.

Афсуски, у кредит олгандан кейин қўлини совуқ сувга ҳам ургиси келмай қолди. Нима учундир қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни орқага сураверди. Орадан йиллар ўтди ҳамки, корхона ишга тушмади. На гишддан, на тошдан дарак бор.

Раҳбарнинг эса парвойи фалак. Ҳатто давлатдан олган қарзини қайтаришни ҳам уйламасди. Тўрт йил ичида (2006 йил 16 июндан) унинг қарзи 16,5 млн.га етди. Энди Аллаёв қарзини тўлашдан қасддан бўйин товлаб юргани аён бўлиб қолди.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолатда кунун ҳеч кимни юзотқир қилиб ўтирмайди. Давлат мулки дахлсиз. Уни ҳар ким ўзининг ғаразли мақсади йўлида талон-торож қилиши асло мумкин эмас.

Хукук-тартибот идоралари ходимлари дарҳол ишга киришиб, А.Ураловга қилган жиноятини эслатиб қўйдилар. Сўров, суриштирув ва тергов ишлари бошланиб кетгач, у кунун ҳукмидан ҳеч қандай йўл билан қутулиб қололмаслигини англаб етди.

Демак, олдинда факат битта йўл бор. Давлатдан олинган қарзини ва унинг тўрт йил давомида йиғилган фоизини тўлаб, суд ҳукмини кутиш.

А.Уралов шундай қилди. Қарзларини тўлади ва суд ҳукмини кутди. Суд кунун доирасида ажрим чиқарди. Ушбу ажримга кўра, судланувчига оид жиноят иши "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг 7-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 2-бандига асосан унинг айблилиқ тўғрисидаги масаласи хал қилинмай туриб тугатилди.

Ниҳоят, Аллаёв енгил тортиди, елкасидан тоғ қулагандай бўлди, аммо энди тадбиркорлик билан шуғулланаман деса, одамлар унинг гапига ишонишармикан?!

Ҳалича Ғаниевнинг автоҳамолат туфайли вафот этиши унинг оила аъзоларини чуқур ғамга ботирди. Ахир айрилиққа ким ҳам тоқат қила оларди?!

Баднафс раҳбар

800 доллар эвазига
уйни расмийлаштириб
бермокчи эди

Қаҳрамон БОЙЗОКОВ,
Наманган шаҳар прокуратураси
терговчиси

Маъракалар турганча, Наманган шаҳар, 1-кичик тумандаги 2-контални уйда гарчи маркуманинг онаси Ҳалима яшаса-да, бу уй Ҳадичанинг номида эканлиги эсларига тушиб қолди. Хонадонни отаси Абдуҳамид ўз номидан қизи Ҳадичанинг номига расмийлаштириб берганди.

— Ота, уйни яна сизнинг номингизга ўтказиб керак — отасига маслахат солди Ҳалима. — Синглим вафот этгани ҳақидаги ҳужжатларни олиб бурсак, шу ишни хал қилиб беришар...

Ота рози бўлди. 2010 йилнинг ёзида Ҳалима уйни Абдуҳамид Ғаниев номига расмийлаштиришга киришди.

У 30 июль кунин Наманган вилоят ҳокимлигининг муниципал, коммунал мулк объектларини ва уй-жой фондиди бошқариш давлат унитар корхонасининг ҳисобга олиш, шартнома тузиш ва мониторинг ўтказиш бўйича Наманган шаҳар бўлими бошлиғи Баҳодир Атамирзаевга учради.

— Яқинда синглим вафот этди, — вазиятни тушунтиришга киришди Ҳалима. — Мен оилам билан яшаётган уй унинг номида бўлиб, уни отам синглимга ҳадя қилганди. Шу уйни қайта отамнинг номига расмийлаштирса бўладими?

Жувоннинг катта илиқч билан ўзига термулиб турганини кўрган Б.Атамирзаев сергак тортиди.

"Бироз таранг қилиб турсам, шу иш орқали аниқгина пул ишлаб олса бўлади", — ҳаёлига келган ўйдан хурсанд бўлиб кетди у. Бироқ бунга қаршидаги аёлга сездирмади.

— Бунақа чигал ишларнинг битиши қийин, — одатига кўра кўрkitишга тушди у. — Айниқса, уй эгаси вафот этган бўлса, югур-югури қўп бўлади...

— Шу ишни бир амаллаб хал қилиб бериш, сизни ўзимиз рози қиламиз. — Ҳалима уй шу тобда бировнинг номига ўтиб кетётгандек ҳаволиқ қолди. Бунга кўрган Б. Атамирзаев яна "отиға қамчи урди":

— Айтдим-ку, бу қийин иш, деб... Бунга қўпчилик аралашади, синглим...

Унинг таъкидидан ниманидир сезган Ҳалима ҳам жонланиб қолди:

— Ҳизматига тайёримиз, ака! Айтиш, нима қилишимиз керак? Бизга шу иш битса бўлгани...

Бу гапни эшитган Б.Атамирзаев зимдан қулиб қўйди: "Ана энди ундан пул сўраса бўлаверарди. Шу тобда у нима десанг ҳам қунади..." Шу ҳаёлда Ҳалимага юзланди:

— Сингли, уйни отангизнинг номига қайта расмийлаштириш учун бу ишни 7 кишидан иборат комиссия қўриб чиқиши керак. — аёлини аврашга тушди у. — Уларнинг ҳар бирига 100 доллардан пул берасиз. Қолган ҳужжатларни Ўзим расмийлаштираман. Менга 300 доллар берасиз...

Ҳалима бу одамнинг ошқора савдолашётганини қўриб, ҳайрат билан қараб қолди. Бироқ пул бермаса иши битмаслигини англаб, рози бўлди. Ташқарига чиққан эса шунча миқдордаги пулни топа олмаслигини сезди-ю, вилоят МХХ бошқармаси томон йўл олди...

Эртаси кунин Ҳалима Ғаниевани кўрган Б.Атамирзаев севишиб кетди. Сабаби, у катта миқдордаги пулдан умидвор эди. Афтидан, пора олавериб ўрганиб қолган чоғ, жуводан ҳеч бир ҳадиксиз 800 АҚШ долларини олиб, стол тортмасига солди. Аммо хонага кириб келган хукук-тартибот ходимларини қўриб, ранги ўчиб кетди. Сабаби...

Суд бўлиб ўтди. Баҳодир Атамирзаев қўлимишга яраша жазосини олди.

Уни хориж «тарбиялаган» эди

Инсон турли мақсалларга хорижга йўл олади. Қадридон оила, уй, Ватан сарҳамлари ортада қолади. Чегара! Бир қалқиб тушади юрак. Таянч нуқталар фақат Ватанда мавжудлиги эста тушади. Чет элда ҳам буналай нуқталар бор. Аммо улар ҳам Ватанинг кучи, қудрати, нуфузи билан сарбаст. Яъни, сени хорижга ҳам ўз Ватанинг ҳимоя қилади. Қасрга борма, унинг қонунлари сен учун нажот қаласи. Фақат Ватан ўз фарзандининг қандай мақсад билан, қай тарзда кетаётганидан огоҳ бўлса бас.

Биров муҳим давлат иши билан, бошқа биров сайро томоша мақсадида, яна бошқаси тижорат йўлида чет эл сафарига отланади. Давлат улардан огоҳ ва ҳар лаҳзада ҳимояга шай. Бироқ тор шахсий манфаатлар йўлида қочиб-пусиб хорижга кетадиганлардан не умид? Тўғри, улар ҳам оилани, бола-чақани ўйлайдилар, ўзларича ҳақ, аммо қонун олдидан ноҳақ.

Ҳар бир халқнинг ўз ҳаёт тарзи, неча минг йиллар давомида шаклланган, тақомил топган кадриятлари, урф-одатлари бор. Инсон ана шулар асосида халқнинг кадриятларига содиқ қолиши, уларни унутмаслиги керак. Акс ҳолда одамгарчиликдан чиқиб, ўз ҳаётини барбод этади.

Хориждан қайтишган Латифнинг (айрим сабабларга кўра, исми-шарифлар ўзгартirilган) юраги акиси ва ҳаётининг нисбатан ғазаб ва нафратга тўла эди. Ака ҳам кек сақлар, аламини ичига ютиб яшарди. Шу боисдан ҳам судда унинг гуноҳидан ўтмади, "давоим йўқ" дейишни хаёлига ҳам келтирмади ва қонун доирасида жазолашларини талаб қилди.

Шарифнинг юрагини адоват шу даражада қамраб олгандики, у акиси Россиядан қайтиши билан ҳужумга ўтди. Илк тўқнашув Латиф яшайдиган ҳовли дарвозаси олдидан рўй берди. Ака-укалар ўзбекона кадриятларни батамом унутган эдилар. Уйга кириш, ўтириш, юзига фотиха тортиш ва хол-аҳвол келраши хаёлларига ҳам келмади. Энди улар бир-бирларига нафақат бегона, балки душман ҳам эдилар.

— Сен ўлимни Россияга сифдирмадинг, — ака гапни шундан бошлади.

— Бу нима деганинг? — пишиқди Латиф.

— Ўғлим олдинлари 1400-1500 АҚШ долларини жўнатарди. Сен билан боргандан сўнг 300-400 долларга тушиб қолди, бунга нима дейсан?

Шариф бу гапларни телефон орқали ҳам укасига айтган, бунга нисбатан Латиф "бошқалар ҳам жияним" деб жавоб берганди. Чунки ўшанда акасининг

ўғли Зокирдан ташқари Ҳалим, Сундур, Панжи, Эргаш каби қишлоқдошлари ва асосан жиянлари ҳам Латифни қора қилиб боришган эди.

— Борганимдан кейин Зокирнинг пулини 1500 долларга етказиб тўлайман деганинг, энди мендан...

Шарифнинг гапи тугамай қолди. Латиф ҳужумга ўтди:

— 2005 йил октябрдан декабргача жўнатган пулларимни бер, деганимда қандай жавоб қилганинг эсингдами? — Эсимда. 3300 долларингга ҳеч нарса сотиб олмайдисан. Марина Иванованинг дала ҳовлисида иш яхши кетаётган экан, бориб ишла. Кўпроқ пул қил, ҳаммасини қўшиб бирор нарса оласан, деган эдим. Ҳўш, нима бўпти?

Ака-ука ўртасидаги даҳанаки жанг шу тарзда давом этди. — Ўғлимни Россияга сифдирмадинг, — гапни яна бошдан бошлади ака. — "Ўғлинг яна Москвага келса, уни майиб қиламан, ўлдириб юбораман", деб смс жўнатганингни қандай унутай!

Дарвоза ёнида сингиллар ҳозир бўлишди. Бир-бирига ҳезлашиб, кекирдик чўзаётган акаларини ажратиб қўймоқчи бўлдилар, аммо урдасидан чиқа олмадилар. Акаларнинг адовати кучли эди.

Ака-уканинг бундай айтишувидан айрим ҳолатлар биз учун мавҳум бўлиб қоляпти. Масалан, Марина Иванова ким? Унинг дала ҳовлиси каерда? Смсдаги таҳдид нимани аниглади. Шариф укасига қараб: "Зокирнинг пулини 1500 доллар қилиб тўлайман деган эдинг, энди мен..." деб гапни тугатмай қолганди. Ака бу гап билан нима демоқчи эди? Ва ҳоказо.

Умуман, болаликда бир тўшақда думалаб катта бўлган, бир онанинг сўтини эмган ака-укаларнинг бир-бирларига нисбатан бундай мурасасиз душман бўлиб қолишлари замирида нима бор?

Масалага ойдинлик киритиш учун суд материалларига мурожаат қиламиз.

Латиф Норов 2009 йил 27 апрель куни Россия Федерация-

сидан қайтиб келиб, ўзи яшайдиган Тўқмангит қишлоғи кўчасида акиси Шарифни учратиб қолади. Юқорида айтганимиздек, ака-ука ўртасида тортишув бошланади. Латиф бундан бир йил аввал Россиядан банк орқали юборган 5 минг АҚШ долларини тўлиқ қайтариб бермаганиги учун акасини айблайдиган. Шариф укаси юборган долларларнинг бир қисmini келинига, яъни укасининг хотинига бериб, қолганини ўғлининг улуши сифатида олиб қолган эди.

Эртаси куни, яъни 28 апрель кеч соат тўққизларда унинг уйига Ғанишер билан Бурхон келишди. Дўстлар Россиядан келган қишлоқдошларини қўлаб ароқ ичишди. Улар кетгандан кейин Латиф укаси ёлғиз қолиб ичди. Спиртли ичимлик таъсирида миясига урилган режани амалга ошириш учун акасининг уйи томон бораётганда кайфи зўр эди. Қандай бўлмасин қолган 2500 долларни ундиршиш ниятида жияни Зокир ётган хонага қадам қўйди.

Судда Латифнинг кўрсатма беришича, акасининг ҳовлисига киргач, Зокирни қақирган ва жиянининг ёлғиз ўзи мусиқа эшитиб ётганини қўриб, унинг олдида (мехмонхонага) кирган. "Ишлаган пулларимни бермансанглар бўлмайди, Ҳалим билан Панжи ишлаш учун Москвага боришмоқчи, уларга билет олиб беришим керак", дейди. Шунда жияни "Ҳали сен биздан пул оладиган бўлдингми!" деб ўрнидан туриб амакисининг юзига мушт туширади. "Шунда қўлимга илинган нарса билан уни урмоқчи бўлдим, дараза томонга қарасам, пичоқ турган экан, уни олмоқчи бўлганимда, — дейди судланувчи, — жияним етиб келиб сочимдан тортиб, бошимни эгиб, тиззаси билан юзимга, пешонамга зарба бера бошлади. Шунда мен ундан қутулиш ва уни қўрқитиш мақсадида сонига икки марта пичоқ урдим. Жияним ўлиб қолмаслиги учун иложи борича оёқ соҳасига уришга ҳаракат қилдим. Шунда Зокир уйнинг тўрига томон қочди-да, бор овози билан бақира бошлади. Унинг овозини эшитиб акам ва яна бошқа бир жияним Шерниёз етиб келди. Акам пичоқ ушлаган қўлимдан тутди, Шерниёз сочимдан торта бошлади. Зокир келиб орқамдан тепгани сабабли пичоқ акамнинг қорнига қирди кетди. Шу пайт кимдир келиб бошимга қаттиқ бир нарса билан ургани сабабли ҳушимдан кетиб йўқилдим. Ўзимга келганимда ўз уйимда ётардим. Орадан кўп

ўтмай ИИБ ходимлари келиб мени олиб кетишди".

Суд жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш бўйича тўпланган ёзма далилларни текшириб қўриб ҳамда тарафларнинг музокара нутқларини муҳокама қилиб, судланувчининг берган кўрсатуви жазодан қутулиб қолиш ёки ҳеч бўлмаганда уни енгиллатиш мақсадида ўйлаб топиш вақтлардан иборатлигини аниқлади.

Латиф ишлаб топган пулларини оиласига ҳам, акасининг номига юбориши ҳам бежиз эмас. Ўша пайтларда Латифнинг хотини билан муносабати ёмон эди ва у Махфиратга ишонмасди. Бунинг устига оиладан узоқда яшаш, ноқулай шароитларда ҳаёт кечириш, иш излаш ҳамда бошқа қийинчиликлар Латифнинг асабларини қақшатган, оғир меҳнат унинг ҳулқини ва характерини ўзгартириб юборган, қисқа қилиб айтганда, хориж уни "тарбиялаган" эди.

Жияни Зокир ҳам 2005 йилда амакиси билан бирга Москва вилоятида ишлаган ва унинг характеридаги ўзгаришларни пайкаган эди. Кейин 2006 йил октябр ойининг охирида биригаликда Қарши туманига, ўз уйларига қайтишди. Аммо Латиф қишлоқда узоқ турмади. 40 кундан кейин яна Россияга йўл олди. Золотогородда бир ой ишлади. Сўнгра бу шаҳардан бошқа иш тополмай овора бўлиб юрганида акиси Шариф телефон қилиб Зокирни яна Россияга қайтариб юборганини маълум қилди. Ўшанда Латиф Поварово шаҳарчасида иш тополмай 8 кундири сандироқлаб юрарди.

Кейинроқ Ботиржон исмли бир қариндошлари Москва вилоятининг Дмитрий туманидаги бир қўрғончадан иш топиб, амаки-жиянлари Марина Иванова исмли аёл билан таништириб қўйди. Марина уларга бажарилган ишнинг ҳажмига қараб пул тўлайдиган бўлди. Бошқа борадиган жойлари йўқлиги сабабли Маринанинг барча шартларига қўниб, иш бошлашди. Аёл уларга бир ойлик озиқ-овқатлари учун Россия пули билан 2500 рубль тўларди. Кейин улар Маринанинг дала ҳовлисида иш қўлигини қўриб, қариндошлари ва ҳамқилишлари бўлган Дилшод, Собир, Толиб, Чори ва бошқаларни ҳам қақириб олишди. 2007 йил май ойининг бошларида кўпчилик бўлиб дала ҳовлида таъмирлаш ишларини бошлаб юбордилар. Аммо кўп ўтмай амаки-жиян ўртасида гап

Отабек УСАНОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
АМИБ терговчиси
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

қочди. Амакиси асосий ишни мен бажараман, деган баҳона билан бошқалардан 10 фоиз зиёд олаётгани Зокирга маъқул бўлмади. Шу сабабли 2007 йил август ойининг ўрталарида иккала жияни, яъни Зокир билан Шерниёз Калининград шаҳрига жўнаб кетишди. Бу орада Латифнинг кўзи касаллибди, 2 ой шифохонада ётди ва ўша йили декабр ойининг охирида қишлоғи Тўқмангитга келди. Акасининг маслаҳати билан 2008 йил январда яна ўша жойига, Марина Иванованинг дала ҳовлисида қайтиб бориб, 7 ой ишлади. 2008 йил 1 август куни жияни Зокир ва қишлоқдошлари қайтиб кетишгач, Латиф Марина Иванованинг дала ҳовлисида қолди, 2009 йилнинг апрель ойигача қоровул бўлиб ишлаб юрган пайтда акиси Шариф Норов: "Отанинг солиғи яхши эмас, етиб кел", деб телефон қилиб қолди.

Шундай қилиб, 2009 йил 27 апрелда Латиф Норов уйига қайтиб келиб, акиси Шарифга рубурў бўлди ва биз юқорида баён этган воқеалар шўй берди.

Оқибатда Шариф Норов ва унинг ўғли Зокир Норов оғир аҳволда шифохонага ётқизилди ва шифокорларнинг тезлик билан ёрдам кўрсатишлари натижасида омон қолдилар. Қотиллик қилиш ва шу йўл билан ўз акасининг ўлими мақсадида тунда унинг уйига кириб, мехмонхонада ухлаб ётган жиянининг бикинига пичоқ урганилиги, яъни унинг ожиз ҳолатидан фойдаланганлигини судда бошқача қилиб кўрсатишга уринганга қарамай ўз берган ҳақиқий ҳолат — Латиф Норовнинг барча қилмиши судда далиллар асосида ўз исботини топди. У қилмишига яраша жазосини олди.

Латиф Норов ўз оиласини, фарзандларини, Ватанини ташлаб, бўйаб даромад орттириш мақсадида хорижга кетганидада қюрда баён этилган ноҳус ҳолатлар ўз бермаган бўларди. Хориждаги шафқатсиз ҳаёт, пулга ружу қўйиш Латифни одамгарчиликдан чиқарган, энди йймон-эътиқод, меҳр-оқибат деган тушунчалар унга бегона эди.

Хуллас, юқорида таъкидлаганимиздек, хориж уни қайта "тарбиялади".

Ўзингдан чиққан балога...

Декабр ойининг сўнгги кунлари. Вақт тушулук пайтига яқинлашган бўлса-да, изғирин этни жўнжиқтиради. Шундай совуқда кимдир қақиратганини эшитган Сафар хайрон бўлганча ташқарига чиқди. Қўниши Баходир экан.

— Ха, ака, келинг.

— Қалайсан Сафар? — Баходир унинг узатган қўлини сиқиб қўлиди-да, четга тортди. — Юр, четроққа ўтайлик.

Улар Сафарнинг уйдан узоқлашларини билан Баходир атрофга алаңлаганча гап бошлади:

— Менга қара, қаерда ишлашимни биласан-а? Ха, фермада, хуллас, кечаси ўша ерга бориб, бир-иккита қўйни олиб чиқиб сотамиз-у пулини бўлиб оламиз. Нима дединг?

Дабдурустан бундай тақлиф эшитган Сафар аввалига нима деб жавоб беришни билмай қолди. Унинг иккиланаётганини кўрган Баходир ғалида давом этди:

— Нимага чўчийсан? Ҳамма ишни ўзим қиламан. Сен ташқарида вазиятни кузатиб турсанг бўлди. Қўиларни сотиб, пулини бўлишиб оламиз.

Сафар рози бўлди.

Ярим тунда Баходир келгач, фермер ҳўжалиги томон йўл олишди. Манзилга етиб келиб, девдордаги ромни қўйиб ташлашгач, Баходир "лип" этиб ичкарига кириб кетди-да, кўп ўтмай иккита қўйни етаклаганча чиқиб келди. Каноп билан қўиларни боғлаб энди кетишмоқчи бўлишган эди, қўилардан бири бўғилиб, ётиб олди. Баходир уни бўшатаман дегунча, ичкаридан кимдир чиқди. Ўғиллар қўиларга ҳам қарамай жуфтани ростилашди.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, яна Баходир Сафарни йўқлаб келди. Сафар бу гал бормаслигини айтган эди. Баходир "бормасанг бўлмайди" дег талаб қила бошлади. Хуллас, ярим кечда фермер ҳўжалигининг қўйхонаси ёнида икки шарпа пайдо бўлди. Баходир бу гал ҳам

икки бош қўйни етаклаб чиқди. Катта қўнча қишқич, машина тутиб, қўиларни Баходирнинг ҳолисига тегишли чала қурилган ҳовлига олиб боришди. Тонг отиб, бошқа машина тўхтабди, мол бозорига равона бўлишди. Бозорга келишгач, Баходир хайдовчига ҳозир пуллари йўқлигини, бироз қўйиб турса, қўиларни сотиб, пулини олиб чиқиб беришини айтган эди, у шўбхалангандек бўлиб, қўйлар кимники эканлигини сўради. Баходир шоша-пиша ўзлариники эканлигини айтиб, уни хотиржам қилди-да, қўиларни бозор томон етаклади. Харидор улар бозорга қирмаслариданок учради. Икки бош қўйни тўрт юз мингга сотиб, ортага қайтишди. Баходир хайдовчига хизмат ҳақини бергач, унинг телефони рақамини сўраб олишни ҳам унутмади. Пулнинг қолганини бўлса, Сафар

иккалалари бўлишиб олишди.

Янги йил киргач, йигитчалар яна "ов"га отланишди. Бу сафар беш бош қўй аввал Баходирнинг ҳолисининг уйдан, кейин эса бозордан қўини топди. Қўиларни 750 минг сўмга пуллаб, хайдовчининг ҳақини бериб, қолганини ўзаро бўлишиб олишди.

Афсуски, уларнинг юришлари шу билан тугамди. Бир ҳафта ўтиб, каттароқ ўлжа ниятида яна "ов"га чиқишди. Бу гал бир бош отни ўғирлаб, эртасига бозорга олиб чиқишди-ю, савдолари берибдан келмади. Баходир бир харидор билан савдолашаётганида отнинг эгаси билан милиция ходимлари пайдо бўлишди... Баходирнинг қўлга тушганини кўрган Сафар қочиб қолди. Уйига келгач, бор гапдан онасини хабардор қилди. Эртасига эса онаси билан ички ишлар идорасига келиб, бор гапни айтиб берди.

Халқимизда "тузликда туғурма" деган гап бор. Афсуски, Баходир бунга тушунмади, ўзи ишлайдиган фермер ҳўжалигиди молларга кўз олайтирди. Натжада эса, нафақат ақинлари-ю таниш-билишларининг олдига юзи шувут бўлди, балки суднинг қора кўрсисидан ҳам жой олди ва тегишли жазога тортилди.

Эрнинг дастидан...

Эр-хотиннинг уруши, дока рўмоннинг қуриши, деган гап бор доно халқимизда. Агар оила кўргони ўзaro ишонч ва ҳурматга қурилган бўлса, бундай муаммоларга ўрин қолмайди. Бироқ ҳар қандай оилала ҳам келишмовчиликлар юз бериб, эр хотинни ёки хотин эрни тушунмай қолиши, майла жанжаллар бўлиб туриши табиий ҳол. Шунинг учун ҳам эр-хотиннинг урушини дока рўмоннинг қуришига қийсашлади. Аммо домий уруш-жанжаллар бир кун келиб ё эрни, ё хотинни жондан тўйдириши ҳам бор гап. Бунда асосан аёллар кўпроқ жабр кўришади. Шундай қисмат Феруза Собирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг ҳам ёруғ оламини бевақт тарк этишига сабаб бўлди.

Хар бир қизнинг орзуси яхши бир оилага келин бўлиб, турмуш ўртоғи билан бахтли ҳаёт кечиришдан иборат. Аслида аёлнинг чин бахти шу бўлса керак. Феруза ҳам барча қизлар қатори шундай орзу-умидлар оғушида 2007 йилнинг сентябрь ойида Зафар билан бир ёстиққа бош қўйди. Яқинларининг қўшгани билан қўша қаригин, ували-жували бўлгин, дея қилган дуолари ижобат бўлишига ишонгиси келарди. Орадан икки йил ўтиб, келин-куёв Жар-қўргон туманидан икки хонали уй олиб, яшай бошлади. Улар алоҳида уйга қўчиб ўтишди-ю, Зафарнинг феъл-атворидаги салбий жиҳатлар буй кўрсата бошлади. Сабаб-бесабаб жанжал чиқариб, Ферузани уради-ган одат чиқарди.

Эҳтимол ҳеч қаерда ишламайдиган эркакка оила ташвишларини нозик елкасига олган хотинининг пул топиши ёқмагандир? Балки тиним билмай ошхонада ишлайдиган Ферузанинг турмуш ўртоғига етарлича эътибор қарата олмагани Зафарнинг зардасини қайнат-

гандир? Аммо эр дегани бекор-хўжа бўлганидан кейин аёл боши билан зўр бериб оила тебратишга ҳаракат қилаётган Ферузада нима айб?.. Эрнинг вазифасини зиммасига олган хотин ишдан сўнг уйда хотир-жам дам олишни истаса-ю, бунинг ўрнига эр мушт ва тепкилар билан уни "мукофотласа"!

Вазият шу даражага бориб етдики, 2010 йилнинг 21 май куни ярим тунда Зафар Ферузанинг икки қўлини сочқ билан боғлаб, кабелъ илинадиган михга маҳкамлаб қўйди. Бу ҳам етмагандай, хотинига шафқатсиз муомалада бўлиб, баданининг турли қисмларига зарбалар беради. Феруза ҳар қанча уринмасин, боғланган қўлиларини ечо-мади. Зафар унинг қаршилик кўрсатишига ҳеч қандай имконият қолдирмаган эди. Танага ет-казилган жароҳатлар битиб кетар, аммо қалбга етган жароҳат-нинг битиши эса амри маҳол. Аёллик шашни ва гурури мутта-сил камситиб келинаётган Фе-руза ахйир жонидан тўйди. Зафарнинг сиртмоғидан озод бўлгач, ўз жонига қасд қилиб, шу орқали чекаётган азобларидан

Алишер ЭШҚУВАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

қутулиш мақсадида хонадоннинг орқа ҳовлисидаги дуг таракка сиртмоқ илди...

Кимдир Ферузани иродаси бўшлиқда айблар... Судда кўрсатма берган марҳуманинг онаси куёви Зафар қизига кун бермаслигини, ҳеч бир сабаб-сиз жанжал чиқариб, Феруза ишлайдиган ошхонага бориб, ошхона электр тармоқларини узиб, хот-дог тайёрлаш учун мўлжалланган печларни бузиб ташлаганини қуюниб гапириб берди. Онаизор кўз ёшларини тиёлмай сўзида давом этаркан, бир кун ярим тунда қўлини уйига келиб, "Тез юринг, куё-вингиз Зафар қизингизни икки соатдан бери уриб ёттибди. Уни ўлдириб қўйиши мумкин", деб уйғотганини, шундан сўнг қизининг уйига бориганида, Зафар Ферузани бўғиб турганида аранг ажратиб олганини ҳам гапириб берди.

Бизнинг аёллар азалдан тог-дек бардошо, сабр-тоқати ва ақлу фаросати билан машҳур. Аёлга озгина эътибор ва меҳр бўлса бас. У шундан қувватла-ниб, оила кўргонини мустақ-камлашга астойдил ҳаракат қилади. Бироқ ҳар қандай сабр-нинг ҳам чегараси бор. Тўғри, Зафар хотинининг қотили эмас. Аммо айнан у Ферузанинг ўз жонига қасд қилишига бош сабабчи. Шунинг учун ҳам суд ушбу жиноят ишини қўриб чи-қиб, унга 5 йил муддатга озод-ликдан маҳрум қилиш жазоси-ни тайинлади.

Ҳовлидаги қўлбола «завод»

Ўтган йилнинг февраль ойи бошларида Музаф-фар Мирзаев уйининг ёнида жойлашган автома-шина гаражига техник чигитдан ёғ ва кунжара ишлаб чиқаришга мўлжалланган иккита яширин цех ўрнатди. Цехларнинг бири эҳтиёт тарикасиз захирга учун қўрилган эди. Иккинчи цех эрта-ю кеч юқори унум билан икки ҳафтача ишлади.

У 14 февраль куни эрталаб мойжовуздан чиққан ёғ ва кунжараларни йиғиштириб, ташқарига чиққан эди, шу вақт ҳовлиси-га СВОЖДЛКК Департаментининг Денов туман бўлими ходимлари кириб келишди. Департа-мент ходимлари автомашина қўйиш учун мўлжал-ланган жойни текшириш давомида у ерда қўлбо-ла усулда ўрнатилган мойжовуз ва ушбу ускуна ёрдамида ишлаб чиқарилган ёғ, кунжара махсу-лотлари, гараж ёнидаги хонада иккинчи қўлбо-ла мойжовуз борлигини аниқлашди. Шундан кей-ин улар уй тағидаги ертўлаги текшириб қўриш-ди. У ерда полиэтилен копланга солинган чигит топилиди. Чигит тўла қоплардан яна бир қанчаси молхона ёнидаги бостирма тағида ҳам бор экан. Унинг ҳеч қаерда ишламаслигини Денов ту-манидаги "Хўжа халқи" маҳалласида яшовчилар-нинг ҳаммаси билди. Хўш, унда бу чигит қаер-дан пайдо бўлди?

У 2009 йил декабрь ойи охирида ёғ заво-ди атрофидаги уйлардан моллари учун кунжа-ра кидириб юрган вақтида илгаридан таниш бўлган Одил Абдуллаевнинг учратиб қолди. Ун-дан: "Моллар учун арзон кунжара олишининг имкони борми, шохобчаларда кунжараларнинг нархи баланд, иложи бўлса топиб бering", — деб илтимос қилди. О.Абдуллаев топиб бери-шни ваъда қилди.

Шундан сўнг Шўрчиннинг эски ускуна бозори-дан мойжовуз учун ҳар хил керакли эҳтиёт қисм-ларини олиб келди. Бир неча кун ичида ускунани тахлаб бўлди. Одил Абдуллаев ҳам уни узоқ кут-тирмади. Қўнғироқ қилиб, ҳар килоси 400 сўмдан чигит борлигини айтган эди, нархи маъқул кел-иб, рози бўлди.

Бегона кўзалардан йироқ бўлсин учун тун я-римда О.Абдуллаев "Камаз-5320" русумли авто-машинани тиркамаси билан бирга уйига бош-лаб келди. Музаффар чигитни килограммлаб та-розида тортиб олди. 4 тонна чигит 1,6 млн. сўмга ҳисоб-китоб қилинди. Қўшниси Худойберди Со-

Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи Собир АЛИЕВ,

атов ва акиси Ботир Мирзаевлар чигитни туши-риб олишга қўмаклашиб юборишди. "Камаз" ав-томашинасини унга нотаниш бўлган Мажахитхон Абдуллаев деган киши бошқариб келганди.

Орадан уч кун ўтганидан кейин Одил яна Ма-жахитхон бошқарувига "Камаз" автомашинасида 17,7 тоннадан зиёд чигитни уйига олиб келди. Одилнинг ўзи "Матиз" машинасида келиб, юкни топириб, 6 млн. сўм пулни санаб олди.

Кетишдан олдин Одил унинг қўлоғига: "12 февраль куни 4 тонна чигитни Қўмқўргон "Тур-он пахта" заводидан олиб чиқаман", дея иш-птириб кетди. Ҳақиқатдан ҳам Одил айтилган кунни қўнғироқ қилиб, "4 тонна чигит келаятгани"ни маълум қилди. Одил "Матиз" машинаси билан "Камаз"нинг олдида кузатиб келди. Кузовдан ўлчаб 4 тонна чигитни тушириб олишди. Қолган-ини улар ўзлари билан бирга олиб кетишди.

Эртаси кун Одил унга телефон қилиб, "Ука, қолган 4 миллион сўм пулни тез топиб келма-санг бўлмайди, менга пул жуда зарур бўлиб қолди", деб айтди. Музаффар 4 млн. сўмни Одилга олиб бериб берди.

Одил Абдуллаев ким ўзи? У Денов туманида-ги "Абдуллаев Салоҳиддин" кўп тармоқли хусу-сий фирмаси бошлиғи лавозимида ишлайди. Шу фирма ҳайдовчиси Мажахитхон Абдуллаев ва бо-шқа шахслар билан моддий наф қўриш мақса-дида олдиндан жиноий тил бириктирган. Хусу-сий фирмага тегишли бўлган "Камаз-5320" русум-ли машиналарни фойдаланиб, Қўмқўргон тум-анидаги "Турон пахта" очик турдаги ҳиссадорлик жамаиатининг "Н.Мирзаев" пахта қабул қилиш мас-кани 2-зонаси товаршуноси Т.Бобоназаровдан 21770 кг. техник чигитни жамаи 7 млн. 619 мин 500 сўмга сотиб олиб, қалбаки ҳужжат орқали "Сурхонозиковақтасаноат" ОТХЖга олиб бориб топириб, ўрнига, келишувга мувофиқ Музаффар Мирзаевга 10,3 млн. сўмга сотиб юборишган. Шу тариқа Қўмқўргон туман "Турон пахта" ОТХЖнинг 3,2 млн. сўмлик техник чигити талон-торож қилин-ган.

Жиноий гуруҳнинг барча аъзолари қилмиш-ларига яраша жавобгарликка тортилди. "Камаз-5320" русумли автомашина жиноят қуроли деб топилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

У ўзини ҳокисор, содда қилиб кўрсатишга тиришарди. Гуё бух-галтерияни пухта билмагани панда берган, солиқ идорасига то-пишган ҳисоботларни янглишиб, хато қилиб қўйган. Шу боис 2009 йил февраль ойида ишдан бўшаган. Бироқ фирманинг хўжайини, яъни таъсисчиси бошқа бухгалтер топишгунча иш-лаб туринг, дегани учун октябрь ойигача, янги бош ҳисобчи ишга олингунга қадар ҳисоб-китобни юргизиб турган.



М.САДИКОВ,

Фаргона вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси

Эътиборхон Аҳмедованинг сўзларини тинглаган киши, аввалига чиндан ҳам бухгалтерия ишини яхши билма-гани туфайли ҳисоботларда адашиб кетибди-да, деган хаёлга боради. Лекин унинг тарҳимаи ҳолини ўргангани сари бу тасаввур ўзгариб, мўғомбир аёл содда киши ролини ўша-тиб ўйнаётганига ишончи қомил бўлади.

40 ёшдан ҳатлаб ўтган Э.Аҳмедова анча-мунча одамларга дарс беришга қодир "ийбилармон"лардан бўлиб қичди. Фаргона вило-ят ИИБ Ахборот маркази тақдим этган маълумотномага кўра, му-қаддам икки бор судланиб, Олий Маҳлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига биноан жазони ўташдан озод этилган. Аммо, бу мурувватдан тегишли ҳулоса чиқариб олмаган. Тузалиш йўлига юрмай, ғайриқонуний қилмишларга қўл ураверган.

Афв этилганидан икки йилча ўтган, 2007 йил ноябрь ойида Мар-ғилон шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтиб, белгиланган тартибда 2010 йилга қадар алкоғоли маҳсулотлар савдоси билан шуғул-ланишга рухсатнома олишга эришган "Мезон Мунаввар" хусу-сий фирмаси бош ҳисобчиси лавозимига ишга олинди. Таъсисчи-нинг "Опа, одам танигансиз, таниш-билишларингиз бисёр, фир-мани ўзингиз бошқараварсиз-да" деган тақлифини "рад" эта олмайди. Энди фирмага "қўнғироқ" раҳбар керак эди. Э.Аҳме-дова 25 яшар сотувчи йигитни кўз остига олади.

— Файзулло, фирмага сиз номига раҳбар бўласиз-у, сотувчи-лигингизни қилаверсиз, ҳамма ишни ўзим юргизаварман, — дея унинг қўйнига қўл солади. Бу тақлифга қўнган йигитни нота-риус ҳузурига етаклаб боргач, бач ҳужжатлари раҳбар сифати-да Ф.Усмонов, бош ҳисобчи сифатида эса Э.Аҳмедованинг им-зоси билан ҳақиқий ҳисобланиши нотариал тарзда тасдиқлана-ди.

"Мезон Мунаввар" фирмасининг идораси Марғилонда жо-йлашган, Фаргона шаҳардаги автошохбекат ёнида дўкана бўлиб, спиртли ичимликлар савдоси кенг йўлга қўйилган эди. Фирма "раҳбари" Ф.Усмонов ушбу дўканада яна икки нафар аёл билан сотувчилик қилаверди. Расман бош ҳисобчи, аслида эса раҳбар бўлиб олган Э.Аҳмедова Андихон вилоятидаги "Шахрихонсароб", Фарғонадаги "Осиёшаробсавдо" ва "Водилшаробсавдо" корхо-наларига қатнаб юриб, ишларда спиртли ичимликлар етказиб берилишига оид шартномаларни тайёрлади. Сўнгра "раҳбар" Ф.Усмонов ва бош ҳисобчи, яъни ўзи имзо чеккан шартномалар-ни юқоридаги корхоналарнинг раҳбарлигига тасдиқлаб олди.

Фирма корхоналарга пул ўтказиш йўли билан олинган спирт-ли ичимликларни нақд пулга сотиб, тушган маблағни "Турон-банк" Фарғона филиалидаги ўз ҳисоби рақамига топишарди. Барча ишни Э.Аҳмедова бошқарар, "раҳбар" зарур бўлганидагина ҳуж-жатларга имзо чекиш-у, "фойдадан улуш"ини олиб туришни би-ларди, ҳолос. Фирма яхшигина фойда қўраётганди. Ишинг қўзи-ни билган Э.Аҳмедова савдо тушумидан муайян қисмини банкка топишмай олиб қўлиб, ўз эҳтиёжига сарфлаётгани туфайли ву-жудга келган кемиткини Марғилон шаҳар солиқ инспекциясига элтиб бераётган ҳисоботларда савдо ҳажмини озайтириб кўрсат-тиш йўли билан "текислаб" бораверди. Қўнғили тўқ, назарида иши ҳеч ким эътироз билдира олмайдиган даражада пишиқ-пукта эди.

СВОЖДЛКК Департаментининг Марғилон шаҳар бўлими ўтказган тезкор таҳлилий тадбирда фирма томонидан савдо ту-шуми тўлиқ қирим қилинмаётгани аён бўлиб, ҳужжатли тафтиш тайинланди. Тафтиш мобайнида Э.Аҳмедова Ф.Усмоновга имзо-лаб, солиқ инспекциясига топишган ҳисоботлариде 2007 йил якуни бўйича ялпи тушум салкам 20 млн. сўмга, 2008 йил якуни бўйича 114,6 млн. сўмга, 2009 йилнинг 3-чораги якуни бўйича 267,6 млн. сўмга кам қўрсатилгани натижасида салкам 15,5 млн. сўм микдорига ягона солиқ тўланмай, яшириб қолгани аниқ-ланди.

Аввалига эсига қаноат қилган Э.Аҳмедованинг иштаҳаси тобо-ра карнай бўлиб бораверган. Савдо тушумини банкдаги ҳисоб рақамига тўлиқ топишмасдан ўз эҳтиёжига сарфлаётган. На-тижада, жуда кўп микдордаги солиқ тўловини қасддан яшириб, тушадан бўйин товлашдан иборат жиноятни содир этган.

Дастлабки терговда Э.Аҳмедова ўзини ҳокисор кўрсатиб, 2009 йил учун жавоб бера олмаслиги, февраль ойида ишдан бўшагани-ни рўқча қилди. Бироқ февраль-сентябрь ойларидаги барча банк ҳужжатлари-ю, ҳисоботларда унинг имзоси мана-ман деб турар-ди.

— Ўрнига бош ҳисобчи тайинланганига қадар, октябрь ойига-ча ўзим иш қилишимга тўғри келди, — дейди ҳужжатли далиллар олдида ёлгон сўзлаш бефойдалигига ақли етган бош ҳисобчи. — Бухгалтерияни яхши билмаганим туфайли ҳисобдан адашган эканман.

— Опа сиз раҳбарсиз-у, ҳамма ишни ўзим юргизаварман, дея мени қўндирди, — дейди қўнғироқ раҳбар Ф.Усмонов. — Нотари-ус орқали имзоим ўтаганидан бўлганидан кейин опа қўл қўйинг де-ган қозғоларга имзо чекиб бораверганман. Расман, раҳбарман-у, аслида дўконда ароқ-вино сотганман.

— Тўғри, Файзулло номига раҳбар эди, ҳамма ишни ўзим юр-гизганман, — дея унинг сўзларини тасдиқлайди Э.Аҳмедова. Шу тариқа унинг ногорасига ўйнаган йигит ҳам жиноий қилми-шига шерик бўлиб қолди.

Жуда кўп даромадни солиқ тўловидан қасддан яширган бош ҳисобчи ва раҳбарга суд тегишли жазо тайинлади.

Ҳурматли юртдошлар!
«Асака» банки (ОАЖ) Сизларни Ўзбекистон
Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик байрами
билан табриклайди ҳамда янги муддатли
омонат турини таклиф этади.



Миллий валютадаги омонат.

"Истиқлол"

Сақланиш муддати - 7 ой.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки
омонат ёпилганда берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
 Мурожаат учун: "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	225-16-46
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди
томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

